



ТОШКЕНТ ТҮҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

МУТАХАССИСЛИК
ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ
МЕТОДИКАЛАРИ

Talim texnologiyalari tizimi
Metodik ishlarni tashkil etish



ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА



ТОШКЕНТ - 2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТТЕСИ п.ф.н., доц. Д.Ходжақулова
 ТТЕСИ п.ф.н., доц. Ш.Мамаражабов
 ТТЕСИ кат.ўқит. Ж.Халмуротова

Тақризчилар: ТТЕСИ п.ф.н., доц. В.Сатторов

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Кенгашининг 2019 йил 6 декабрдаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	15
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	52
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	74
VI. ГЛОССАРИЙ	76
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	78

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №797-сон Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини муутазам ошириб боришни мақсад қилади.

Ушбу дастурда мутахассислик фанларини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари. Мутахассислик фанларининг мазмuni. Мутахассислик фанларини ўқитишнинг ташкилий шакллари. Мутахассислик фанларини замонавий дарс тузилмаси асосида ўқитиш методикаси. Мутахассислик фанини ўқитишда қўлланиладиган таълим методлари ва воситалари. Тингловчиларда мутахассисликка оид билим, қўникма ва малакаларни шаклланганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш методикаси. Мутахассислик фани ўқитувчисининг ўқув йилига ва навбатдаги ўқув машғулотларга тайёргарлик кўриши. Мутахассислик фани бўйича модул ишлаб чиқиш йўллари келтирилган

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Махсус фанларни ўқитишнинг замонавий услублари **модулининг мақсад ва вазифалари:**

Модулнинг мақсади: Махсус фанларни ўқитишнинг замонавий усулларини ўрганиш

Модулнинг вазифаси: мутахассислик фанларини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, мутахассислик фанларини ўқитишнинг ташкилий шакллари,

мутахассислик фанларини замонавий дарс тузилмаси асосида ўқитиш методикаси, мутахассислик фанини ўқитишида қўлланиладиган таълим методлари ва воситалари, тингловчиларда мутахассисликка оид билим, кўникма ва малакаларни шаклланганлик даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш методикаси, мутахассислик фани ўқитувчисининг ўқув йилига ва навбатдаги ўқув машғулотларга тайёргарлик кўриши, мутахассислик фани бўйича модул ишлаб чиқиши.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Махсус фанларни ўқитишининг замонавий услублари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- моддулли ўқитиш технологиясини;
- мустақил ишлашни ташкил этишни;
- таълим жараёнида кичик гурухларда ишлашни;
- кейс-стади технологияси ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- мутахассислик фанларини ўқитишида модулли ўқитиш технологиясидан фойдаланиш ;
- таълим жараёнида аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил ишлашни ташкил этиш;
- назарий ва амалий машғулотни ташкил этишида илғор таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- маҳсус фанларни ўқитишида модулли ўқитиш технологиясини самарали қўллаш;
- мустақил таълимни ташкил этиш;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида фойдаланиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Мутахассислик фанларини ўқитиши методикаси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши

назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва тарқатма материаллардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-савол-жавоб, дебат, ҳамкорликда ишлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” модули мазмуни ўқув режадаги маҳсус фанлар блокидаги ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларни дарсларни ташкил этиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мобил иловалар яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси		
		Жами	назарий	амалий машғулот
1.	Мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича методик ишларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси	2	2	-
2.	Таълим жараёнини ташкил этиш. Таълим мазмуни, метод ва воситалар	2	2	-
3.	Мутахассислик фанларини ўқитишнинг ташкилий шакллари	2	-	2
4.	Замонавий таълим технологияларининг таркибий қисмлари	2	-	2
5.	Маҳсус фанларнинг ўқитишнинг тарбиявий хусусиятлари	2	-	2
	Жами:	10	4	6

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича методик ишларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси

Аудиториядан ва ўқув юртидан ташқари ишларни ташкил этиш. Таълим технологиялари тизими. Методик ишларни ташкил этиш.

2-мавзу: Таълим жараёнини ташкил этиш. Таълим мазмуни, метод ва воситалар

Таълимни ташкил этиш шакллари. Маъруза турлари. Дарсларни ташкил этишга қўйилган дидактик талаблар.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот: Мутахассислик фанларини ўқитишнинг ташкилий шакллари

«Мутахассислик фанларни ўқитишнинг замонавий методикалари» фани ўз мазмун моҳиятини бойитишида, янгилашда мавжуд ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Ушбу илмнинг илмий тадқиқот усуллари деганда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, методлари ва воситалари мажмуи тушунилади. Бу фаннинг илмий тадқиқот усуллари қанчалик ривожланса ҳамда такомиллаштирилса, таълимтарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади.

2- Амалий машғулот: Замонавий таълим технологияларининг таркибий қисмлари

Республикамизнинг педагог олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Узбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида куллашга интилмоқдалар.

Бу эрда, нима учун бугунги кунда педагогик технологияларнинг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбик этиш зарурати тугилди, деган савол пайдо булиши мумкин. Жамиятимизга канчадан-канча билимли кадрларни ва юкори малакали олимларни этиштириб келган педагогика услуглари мавжуд-ку, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай колган ва мафкуралаштирилган жойларини узгартириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса булмайдими? - деган мулохазалар ҳам юк эмас. Узбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилигининг аксарияти, айнан

мана шу юлдан бормоқда. Бу юл иложсизликдан излаб топилган булиб, қисқа муддат хизмат килиши мумкин.

3- Амалий машғулот: Махсус фанларини ўқитишнинг тарбиявий хусусиятлари

Ҳар қандай фанни ўрганишда турли методлар қўлланилади. Бунинг сабаби, биринчидан, дарс ўтишда турли услубларни қўллаш уни қизиқарли бўлишига, талабаларни диққатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришга қаратилади. Бир хил методда дарс ўтилавериши талабаларни зериктиради. Психологлар тадқиқотларига қўра ҳар қандай моҳир ўқитувчи ҳам бир хил методни қўллаб дарс берар экан, айтайлик, маъруза ўқир экан, талабалар дастлаб 20 минут, сўнгра дарсни тугашидан олдин 20 дақиқалик маъruzани диққат билан эшитар, колган пайтда хаёлга берилиб кетар экан. Иккинчидан, талабаларнинг дарсни ўзлаштириш, билимни қабул қилиш қобилияtlари ҳар хил бўлиб, турли услубларни қўллашгина ўтилаётган мавзуни талабалар томонидан нисбатан тўлиқ ўзлаштиришга олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, билимни ўзлаштириш жараёнида мавзуни тезроқ англашга бир хил талабаларга бир услугуб ёрдам берса, иккинчиларига бошқа услугуб ёрдам беради.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (кичик гурухларда ва ҳамкорликда ишлаш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- кичик гурухларда ишлаш (топшириқлар бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хulosалар чиқариш);
- дебат (топшириқлар бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар эчимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Тушунчалар таҳлили

Тушунчалар таҳлили технологиясининг
қойдаси:

Гурухда ишлаш қоидалари

- Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.
- Ҳар ким фаол, биргалиқда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.
- Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.
- Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.
- Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.
- Ҳар ким бошқаларга ўргатиб ўзи ўрганишни билиши зарур.

- Тингловчилар гурухларга ажратилади;
- Тингловчилар машғулотни ўтказишга кўйилган талаб ва қоидалар билан таништирлади;
- Тарқатма материаллар гурух аъзоларига тарқатилади;
- Тингловчилар янги мавзу бўйича тарқатма материалда берилган тушунчалар билан танишадилар;
- Тингловчилар тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчалар ёнига эгаллаган билимлари асосида изоҳ ёзадилар (якка тартибда);
- Ўқитувчи тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчаларни ўқийди ва жамоа билан биргалиқда ҳар бир тушунчага туғри изохи таништирилади;
- Ҳар бир ўкувчи туғри жавоб билан белгиланган жавобларнинг фарқларини аниқлайдилар керакли тушунчага эга бўладилар, баҳолайдилар, шунингдек билимларини яна бир бор мустахкамлайдилар.

1-гурұх үчүн топшириқ

Махсус фанларини үқитиши бүйіча методик ишларни ташкил этиш ҳақида фикрингизни ёритиб беринг.

(Т-схема, фойдаланған ҳолда)

2- гурұх үчүн топшириқ

Махсус фанларини үқитиши бүйіча фикрингизни ёритиб беринг?

(Т-схема, фойдаланған ҳолда)

3- гурұх топшириқ

Махсус фанларини үқитищда құлланиладиган таълим технологияни ёритиб беринг?



ta’lim metodik ishlarni tashki etish? teknologiyalari tizimi?



ФСМУ технологияси

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишида ёки ўкув-семинариларнинг ўкув машғулотлари хамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш максадида) ёки ўкув рсжаси асосида бирор-бир бўлим ўрганилгач кўлланилиши мумкин. Чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя килишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга утказишга, очик ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда тингловчилар томонидан ўкув жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга ва эгаллаганлик даражасини аниқлашга, баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Ўқитувчи ҳар бир тингловчига **ФСМУ** технологиясининг тўрт боскичи ёзилган қофоз варақларини таркатади ва якка тартибда уларни тўлдиришни илтимос киласди. Бу эрда:

- Ф - фикрингизни баён этинг;
- С - фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг;
- М - кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг;
- У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ўқитувчи тингловчилар билан баҳс мавзуси (ёки муаммо)ни белгилаб олади;

- якка тартибдаги иш тугагач, тингловчилар кичик гурухларга ажратилади ва ўқитувчи кичик гурухларга **ФСМУ** технологиясининг тўрт боскичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;

- кичик гурухларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда тўрт боскич бўйича ёзишларини таклиф этилади;
- ўқитувчи кичик гурухларнинг ёзган фикрларини жамоа ўртасида химоя қилишларини сўрайди;
- машғулот ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан яқунланади.


1- гурӯҳ учун вазифа: “Таълим технологиялари” бўйича куйидаги фикрларингизни баён этинг:
 Ф - фикрингизни баён этинг;
 С - фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг;
 М - курсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг;
 У - фикрингизни умумлаштиринг.

2- гурӯҳ учун вазифа: “Методик ишларни ташкил этиши” бўйича куйидаги фикрларингизни баён этинг:
 Ф- Фикрингизни баён этинг;
 С- фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг;
 М-курсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг;
 У-

Тезкор савол - жавоб

1. Предметлараро алоқадорликни ўрнатиш ва амалга ошириш методикаси?
2. Талабалар йўл қўйиши мумкин бўлган типик хатоларни олдини олиш?
- 3.Ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти даврида талабаларни тарбиялаш?

Блиц сўров методи:





"Портфолио" технологияси

«Портфолио» технологиясини самарали амалга ошириши босқичлари:

1. Ҳар бир иштирокчи эркин ишлаши учун қулай шароит яратилиши керак. Ўқитувчи ўқувчиларгарга бир дарс олдин ушбу дарс учун ўтиладиган мавзуу ва зарур бўладиган материалларни эълон қиласди. Ўқувчилар мустақил изланиб, материалларни туплаган ҳолда дарсга келишлари лозим. Дарснинг янги мавзуу баёни қисмида ушбу технологиядан кўйидагича қўлланилади: Зарурий материаллар: А1 форматли қоғоз, кайчи, елим, газета, журнал, фотоальбом, китоб, фикр ва ғояларни ёзиш учун керакли доска, юмшоқ доска, рангли маркерлар, турли форматдаги қоғозлар олдиндан тайёрланиши лозим. Бериладиган мавзуу, муаммо ёки вазиятлар аниқланади.

2. Аудитория 4-5 кишидан иборат кичик гурӯхларга бўлинади. Ҳар бир гурӯх учун алоҳида турлича мазмундаги топшириқлар берилади. Ҳар бир гурӯх тегишли топшириқлар асосида барча керакли материалларни портфелга жамлайдилар. Сўнгра тупланган материаллар асосида топшириқда берилган вазифага жавобларини шарҳлайдилар.

Гурұхлар үчүн топшириклар



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ: МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ БҮЙИЧА МЕТОДИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

Режа:

- 1. Аудиториядан ва ўқув юргидан ташқари ишларни ташкил этиш.**
- 2. Таълим технологиялари тизими.**
- 3. Методик ишларни ташкил этиш.**

Мавзуга оид таянч сўзлар: услугбий ишлар, услугбий фаолият, якка тартибдаги услугбий ишлар, жамоавий тартибдаги услугбий ишлар, илмий кенгаш, услугбий комиссия.

Таълим жараёнида илмий-услубий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш учун айни вақтда ҳам яхши педагогик, ҳам касб сирларини яхши биладиган мутахассис бўлиши керак. У мустақил равишда билим олиш ва малака ошириш курслари орқали илмий-услубий ишларнинг мазмуни ҳамда уларни ташкил этишга оид масалаларни ўрганиб бориши керак.

Таълим жараёнида ташкил этиладиган илмий-услубий ишларнинг вазифалари сирасига қуидагилар киради:

- педагог ва техник ходимларининг илмий-фоявий савиясини, педагогик маҳоратини ошириш;
- талабаларни миллый мустақиллик руҳида тарбиялаш мазмуни, шакл, метод ва воситаларини такомиллаштириш;
- таълим, тарбия ва ривожлантириш мақсадларининг бирлиги, умумилмий, умумкасбий ва маҳсус тайёргарликнинг узвийлигини таъминлаш;
- илгор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини, фан ва техника ютуқларини ўрганиш, умумлаштириш ҳамда таълим-тарбия жараёнига жорий этишдан иборат.

Илмий-услубий ишларда иштирок этиш барча раҳбарлар, ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар учун мажбурий бўлиб, уларнинг педагогик фаолиятини ажралмас қисми ҳисобланади.

Таълим жараёнида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва уларга раҳбарлик қилишга таълим тизими олдида турган вазифалардан қелиб чиқадиган қуидаги асосий талаблар қўйилади:

1. Фоявий йўналганлик;
2. Илмийлик;
3. Аниқ бир мақсадга қаратилганлик ва тизимлилик;
4. Ижодий йўналганлик;
5. Таъсирчанлик ва жозибадорлик.

Методик ишларнинг мазмунни, йўналиши, тузилмаси кабилар методик иш хақидаги Низом билан белгиланади. Шу низомга мувофиқ жамоавий ва индивидуал услубий ишлар олиб борилади.

Кўйидагилар жамоавий услубий иш шакллари сирасига киради:

- илмий кенгаш;
- услубий комиссиялар;
- илғор тажриба мактаби, муаммоли семинарлар, илмий-услубий конференциялар, педагогик ўқиш ва турли услубий кенгашлар.

Индивидуал услубий иш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

- ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар ва бошқа муҳандис-техник ходимларнинг ўз ғоявий-сиёсий даражаси, педагогик малакаси ва касбий маҳоратини ошириш юзасидан олиб бориладиган мустақил услубий ишлари;
- ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар ва бошқа муҳандис-техник ходимлар билан олиб борадиган индивидуал услубий ишлари.

Услубий ишлар шакли ва мазмуни бўйича ҳам педагогик ходимларнинг турли гурухларини қамраб олиш бўйича ҳам мувофиқлаштирилган тақдирдагина юқори самарадорликка эришиш мумкин. Услубий ишларни умумий мавзу асосида ташкил этиш тажрибаси бундай мувофиқлаштириш усулларидан биридир. Услубий ишни бундай ташкил этишнинг моҳияти шундан иборатки, маълум бир вақтга мўлжалланган умумий мавзуни татқиқ этади. Бунинг натижасида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга муайян ҳисса қўшади, турли тоифадаги педагогик ходимларнинг тайёргарлик даражаси ҳисобга олинган ҳолда, уларнинг педагогик маҳоратини ошириш вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга имкон беради.

Ушбу мавзу долзарб бўлиши: таълимга оид аввалги тажрибаларга боғлиқ ва уларнинг узвий давоми бўлиши; таълим-тарбия назарияси ва методикасига янгилик киритилиши; далилий материаллар билан бойитиши, умуман таълим-тарбия жараёнини сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиш керак. Бундай мавзуларга қўйидагиларни мисол сифатида келтириш мумкин:

- Талабаларда диалектик дунёқарашни таркиб топтириш;
- таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаоллиги ва мустақиллигини таркиб топтириш;
- таълим-тарбия жараёнини мақбуллаштириш;
- таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг бирлигини таъминлаш;
- предметлараро алоқадорликни таъминлаш;
- таълим ва тарбия жараёнини индивидуаллаштириш;
- таҳсил олувчиларда меҳнатга ва жамоат мулкига онгли муносабатни таркиб топтириш;
- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш талаблари асосида касбий тайёргарликни такомиллаштириш;
- фанлар ва касбларнинг мажмуавий услубий таъминланиши;
- дарснинг самарадорлигини ошириш йўллари;
- янги педагогик технологияларини жорий этиш;

- таълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш.

Мустақил ишларнинг ташкил этилиши ва самарадорлигини текшириш масалалари олий таълим муасасасининг ички назорат режаларида ўз аксини топади. Услубий ишларни режалаштиришда қуидаги талабларга асосланиш мақсадга мувофиқдир.

- келажақдаги ривожланишни кўзда тутиш (бажариш муддатлари ва вазифалари бўйича);
- режаларни таълим-тарбия ва услубий ишнинг ахволи ва натижаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқиш;
- режаларнинг ижодий характеристири, яъни уларни бажаришда иштирок этувчи ходимларнинг ташаббуси ва ижодкорлигини намойиш этилишига зарур имконият яратиш;
- услубий ишларнинг жамоавий ва индивидуал шаклларини уйғун қўшиб олиб бориш;
- тезкор текшириш мумкинлиги (ёзувлар ва бажариш муддатларининг аниқлиги ижрочиларнинг кўрсатилиши).

Олий таълимнинг олдига қўйилган вазифаларни бажарилиши бевосита бу ерда фаолият қўрсатувчи профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратига боғлиқлиги исбот талаб этмайдиган ҳаётий ҳақиқатдир. Фан-техниканинг жадал тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологияларининг амалиётга кенг кўламда жорий этилиши, бозор муносабатларига ўтиш кабилар педагоглардан талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятларини фаоллаштириш омилларидан оқилона фойдаланиб, машғулотлар ва синфдан ташқари тадбирлар самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Ана шунинг учун ҳам таълим жараёнида услубий ишлар ташкил этилиб ўтказилади.

Бундай ишлардан кўзланган асосий мақсад: раҳбарлар, педагог ва муҳандис-педагогларнинг касбий-педагогик маҳоратларини ошириш йўли билан педагогик жараён сифат ва самарадорлигини оширишдан иборат.

Таълим жараёнида услубий ишлар одатда якка тартибда ва жамоавий шаклларда ташкил этилиб, қуидагиларни кўзда тутади:

- Илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва уларни оммалаштириш мақсадида тарғиб қилиш;
- педагог ва муҳандис-педагог ходимларга услубий ёрдам қўрсатиш;
- ахборот ресурслари маркази имкониятлари джан самарали фойдаланиш;
- педагоглар ва муҳандис-педагогларга ўз имкониятларини намоён этишларига шарт-шароит яратиш;
- очиқ дарс ташкил этиб ўтказувчи ўқитувчиларга қўмак бериш;
- педагогик жамоани янгиликлар билан мунтазам равища танишириб бориш;
- фан ютуқларини амалий тажриба-синовидан ўтказиш;
- талабаларни олимпиадалар, кўрик-танловлар ва турли тадбирларга тайёрлашга қўмаклашиш кабилардан иборат.

Таълим жараёнидаташкил этилиб, ўтказиладиган услугий ишларга қўйидаги талаблар қўйилади.

1. Ғоявий йўналганлик – услугий ишлар замон талабларига ҳамнафас чуқур ғоявийликка эга бўлиши керак.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг келажаги буюк давлат эканлигини ўғил-қизларимиз онгига сингдириш, тарбия асосида миллий мустақиллик ғоялари билан суғорилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Бунинг учун ёшлиар билан ишлаётган педагоглар, муҳандис-педагоглар, тарбиячилар билан олиб бориладиган методик ишларнинг мазмуни ҳам давр ва истиқбол талаблари даражасида бўлиши муҳимdir.

2. Илмийлик – услугий ишларни илмий ғоялар, назарияларга таянган ҳолда олиб боришни қўзда тутади. Шунинг учун педагоглар, муҳандис-педагоглар, тарбиячилар ёшларнинг психологияси, физиологияси ва гигиэнасини, ўқитадиган ўқув предмети мазмунини, таълим-тарбия назариясини, қонуниятларини, принципларини, ташкил этиш шаклларини, амалга ошириш метод ва воситаларини мукаммал билиши зарур. Улар касбий педагогик маҳоратларини оширишлари учун мунтазам равишда ўз устида мустақил ишлаб, ижод қилиши даркор.

3. Мақсадга мувофиқ ва тизимлилик – долзарб педагогик муаммоларнинг мақбул ечимларини топишни режалаштиришда шарт-шароит, имконият, талаблар мувофиқлигини таъминлаш ва амалга ошириш тизимини яратишда ўз ифодасини топади.

4. Ижодийлик ва мустақиллик – коллеж раҳбарияти ҳар бир муҳандис-педагог, тарбиячиларнинг ўз қобилияти ва истеъдодларини намоён этишлари учун шарт-шароит яратиб, кўмак беришларини қўзда тутади. Чунки услугий ишлар ижодкорлик, фаоллик, новаторликка асослангандахина қўзланган натижаларни беради.

5. Таъсирчанлик ва ошкоралик – услугий ишларнинг таъсирчанлиги энг аввало, талабаларга таълим ва тарбия бериш сифати билан аниқланади. Агар талабаларда шаклланган билим, кўникма ва малакалар сифати ҳамда даражасида ижобий силжишлар бўлмаса, услугий ишларнинг самараси паст ҳисобланади. Бу борада сусткашликка йўл қўйиш мумкин эмас. Шунинг учун услугий ишларнинг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан режалаштирилишига, режаларнинг аниқлигига, амалга оширилган ишларнинг ҳажмига ва бошқа омилларга боғлиқ. Шунингдек, таълим жараёнида услубий ишларни ташкил этиш ва бошқаришда ошкораликка эътиборни қаратиш зарур, бунда ҳар бир ходим меҳнатининг натижаларини ўз вақтида холисона кўрсатиш, раҳбатлантириш, танқид қилишни меъёрида амалга ошириш мақсадга мувофик.

Одатда услугбий ишлар маълум аниқ режага биноан бажарилади. Бу ҳолат айрим ишларни бир неча марта тақорланишини бартараф этиб, педагоглар орасида ишларни мақбул тақсимланишини ҳам таъминлайди.

Таълим жараёнидауслубий ишларни ташкил этиб ўтказиш учун одатда ҳафтанинг аниқ бир куни ажратилади. Мисол учун, таълим жараёнидаташкил этиладиган услугбий ишлар учун ҳафтанинг чоршанба куни ажратилса, ҳар чоршанба куни жамоавий услугбий ишларнинг аниқ бир кўриниши мунтазам равища ўтказилишига имкон беради: масалан, ҳар ойнинг биринчи чоршанба кунлари илмий-педагогик кенгаш, иккинчи чоршанба кунлари услугбий кенгашларнинг йигилишлари, учинчисида педагог ва муҳандис-педагогларнинг малакасини ошириш кабилар режалаштирилиши мумкин. Услубий ишлар режалаштирилган кунга касб-хунар коллежида бошқа ҳеч қандай тадбир режалаштирилмайди. Таълим жараёнидаўкув йилининг исталган биринчи ёки иккинчи ярим йиллиги учун мўлжаллаб тузилган услугбий ишларининг умумий режасида: илмий-педагогик кенгаш, услугбий кенгаш, семинар-тренинглар, очиқ дарслар, педагогик ўқишлиар, илғор педагогик тажриба мактаблари кабилар ўз ифодасини топади. Қуйида таълим жараёнидаташкил этилиб ўтказиладиган якка ва жамоавий услугбий ишларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Якка тартибдаги услугбий ишлар: Олий таълим нинг раҳбарлари педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг индивидуал хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиб, улар билан мунтазам равища индивидуал услугбий ишлар олиб боришилари талаб этилади. Бундай ишлар кўзланган даражада самара бериши учун раҳбар ҳар бир ходимнинг кучли ва кучсиз томонларини, имкониятларини яхши билиши зарур. Коллеж раҳбари педагог ва муҳандис-педагогларнинг имкониятлари билиши учун қуидагилар асос сифатида олиниши мумкин: лавозимий вазифалар ва талабаларга нисбатан муносабати, машғулотларга тайёргарлик кўриши, малака оширишнинг турли шаклларида таълим олиши, илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг моҳиятини тушуниши, ўз шахсий тажрибасини турли нуқтаи назардан таҳлил эта билиши, услугбий ишланмалар ишлаб чиқишига қизиқиши, мунтазам равища ўз устида мустақил ишлаши, таянч маълумоти кабилар. Амалиётда педагоглар ва муҳандис-педагогларнинг услугбий ишларига индивидуал равища раҳбарлик қилишларида асосий метод сифатида маслаҳатдан кенг қўламда фойдаланилади. Маслаҳатлар қуидаги масалалар юзасидан бўлиши мумкин:

- талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятларини фаоллаштириш омиллари ;
- машқ қурилмаларидан самарали фойдаланиш йўллари;
- предметлараро алоқадорликни ўрнатиш ва амалга ошириш методикаси;
- талабалар йўл қўйиши мумкин бўлган типик хатоларни олдини олиш;
- ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти даврида талабаларни тарбиялаш;
- ўкув материалидан муҳим, тизим ҳосил қилувчи таркибий қисмларини танлаб олиш;
- турли таълим технологиялардан оқилона фойдаланиш имкониятлари;

-ноанъянавий (ностандарт, замонавий) дарсларни ўтказиш методикаси кабилар шу ўринда маслаҳат, фақат мавжуд камчиликларни бартараф этиш билан чегараланиб қолмасдан, балки янгиликлар киритиш, ижодкорлик ва мустаққилликни ривожлантириши ҳам кўзда тутиши зарурлигини ёддан чиқармаслик керак.

Илмий педагогик кенгаш ишининг мазмуни қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими Маркази каби бошқарув идораларининг таълим-тарбия ишлари билан боғлиқ бўлган буйруқ ва қўрсатмаларини бажариш юзасидан Олий таълим бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;
- таълим-тарбия жараёни мазмунини, Республиканинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт даражаси, истиқболлари, фан ва техниканинг ютуқлари асосида такомиллаштириш;
- самарали таълим технологияларини амалиётга жорий этиш;
- амалдаги ўкув режа ва дастурларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- маҳаллий ишлаб чиқариш талаблари ва мавжуд шарт-шароитни ҳисобга олиб, мутахассис кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганиш;
- таълим жараёнидамалакали кичик мутахассисларни тайёрлаш дастурини ва унинг бажарилишини мунгизада мухокама қилиб бориш;
- ўкув режа ва дастурларнинг бажарилишини, ўтилаётган машғулотларнинг сифати, ўкув предметлари кесимида талабаларнинг ўзлаштириш даражасини таҳлил қилиш;
- гуруҳлар кесимида таълимий-тарбиявий ишларнинг ҳолати тўғрисида ўқитувчиларнинг ҳисботини эшлиш;
- туркум ўкув предметлари уюшмалари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- ўкув йили яқунлари бўйича талабаларни курсдан курсга ўтказиш масалаларини кўриб чиқиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, саёз ўзлаштирувчи талабаларнинг билим савиясини кўтариш чоратадбирларни ишлаб чиқиш;
- қасб-хунар коллежларини бошқрув тузилмасини ўзгартиришга оид илмий асосланган ва амалда ўзини оқлаган таклифлар бериш;
- ўқитувчи, муҳандис-педагогларнинг фаолиятини ички назорат ва давлат аттестацияси натижаларига кўра рағбатлантиришга тавсия этиш;
- талабалар сафидан чиқариш, уларни рағбатлантириш бўйича тавсиялар бериш;

- Олий таълим нинг раҳбарлари, ўқитувчилари, муҳандис-педагоглари томонидан тайёрланган илмий-услубий ишланмалар, ўқув қўлланмалар, тавсияномалар, дидактик материалларнинг долзарблигини ўрганиб чиқиб нашр эттиришга оид тавсиялар бериш;
- якуний назорат, давлат аттестациясини юқори даражада ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш;
- коллекциянинг ўқув-тарбиявий, ўқув-амалий ишлари ва истиқбол режаларини, моддий-техник ва илмий-услубий базасини мустаҳкамлаш;
- қабул комиссиясининг ҳисоботини муҳокама этиш;
- бюджетдан ташқари маблағлар сарф-харажати ҳисоботларини эшитиш;
- таълим муассасасининг молиявий ва хўжалик ишлари билан боғлиқ масалаларини муҳокама этиш;
- талабаларни соғломлаштириш, спорт ва ёшларни чақириққача тайёргарлигига оид давлат дастурларини бажариш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш ва уларни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- талабаларнинг ўқиши, яшами ва маданий дам олишлари учун яратилган шароитларни яхшилаш;
- талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришини ривожлантириш;
- ёш ўқитувчиларнинг иш фаолиятини ўрганиш, уларга зарур услубий ёрдам кўрсатиш, малакасини ошириш;
- педагогик ва касбий қайта тайёрлаш кабилар.

Педагогик кенгаш таълим жараёнидаташкил этилиб ўтказиладиган услубий ишларнинг муҳими бўлиши билан бирга коллекциянинг бошқаришда ўзига хос омил ҳисобланади. Ана шу боис қуйида унга тўхталиб ўтамиз.

Услубий кенгаш – одатда, услубий кенгаш ҳар ойда ўз ифилишларини ўтказиши режалаштирилади. Услубий кенгаш педагогик кенгашга бўйсунади ва таълим жараёнидаолиб борилаётган услубий ишларни муҳокама этади. Унда ўқитувчилар томонидан яратилган услубий тавсиялар, қўлланмалар, маъруза матнлари, мажмуалар, дарс ишланмалари кабиларни амалга жорий этиш масалаларини муҳокама этиб хуносалар беради. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш мақсадида ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатади.

Услубий комиссиялар – ҳар бир кафедра қошида ташкил этилади. Уларнинг асосий вазифаси тайёрлов йўналишлари бўйича кичик мутахассислар тайёрлашда давлат таълим стандартлари асосида таълим шакллари, методлари ва воситаларини танлашга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, уларда ўқитувчиларнинг ижодий ишлари муҳокама этилиб, амалий кўмак ҳам берилади.

Семинарлар, семинар-тренингларнинг мақсади – ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар томонидан талабалар шахсини ривожлантиришга оид

педагогик-психологик, физиологик, гигиеник, эстетик ва техник билим, кўнишка ва малакаларни эгаллашларига амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Одатда, семинар мавзулари педагогик жамоанинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади ва амалга оширилади. Семинар-тренингларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, у ўқитувчилар, муҳандис-педагогларга долзарб муаммоларни тезкор ҳал этишга имкон беради.

Илмий-амалий қеонференциялар – илмий иш натижалари, илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини оммавий мухокама этиб, уларни амалга жорий этишга оид қарорлар қабул қилиш мақсадида ўтказилади.

Шу ўринда конференциялар аниқ мавзулар, муаммолар, йўналишлар бўйича ташкил этилиб, ўтказилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш зарур.

Педагогик ўқишилар – айни замонда долзарб бўлган муаммоларни оммавий тарзда мухокама қилиш мақсадида ўтказилади.

Педагогик ўқишиларда энг долзарб ва мақбул ечим берилган деб тан олинган маърузалар вилоят, республика педагогик ўқишиларга тавсия қилинади. Республика миқёсида тан олинган маърузалар эса илғор тажрибалар сифатида умумлаштирилиб, амалиётга татбиқ этиш учун тавсия этилади.

Юқорида зикр этилган услубий ишлар анъанавий характерга эга бўлиб, ҳозирги кунда улар билан бирга ноанъанавий деб эътироф этилаётган қуйидаги услубий ишлардан ҳам кенг кўламда фойдаланилмоқда:

Кўрик танловлар – педагогик жараён натижалари сифатини оширишга қаратилган бўлиб, “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси”, “Моҳир уста”, “Илғор гуруҳ раҳбари”, “Намунали мураббий” каби мавзуларда кўрик танловлар ўтказиш мумкин. Кўрик-танловларни ўтказиш тартиби ҳар бир коллеж, вилоят ёки республика миқёсида беглиланади ҳамда унинг ғолиблари рағбатлантирилади.

Илғор тажриба мактаби – энг аввало, ўқитувчи, муҳандис-педагогларда педагогик жараённи яхлит ҳолда такомиллаштиришга оид тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш кабиларни кўзда тутади.

Китобхонлар конференцияси – Олий таълим ўқитувчилари, муҳандис-педагогларнинг фаол иштирокида ўтказилади. Конференцияга мухокама этиладиган материалларни тайёрлаган муаллифлар билан бирга илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари, ишлаб чиқариш корхоналаридан вакиллар таклиф этилади.

Китобхонлар конференциясида илмий-услубий адабиётлар, уларнинг долзарблиги, амалий масалаларни ечишдаги аҳамияти, янгилиги, уларни педагогик жараёнга жорий этишдан кутилаётган самаралар нуқтаи назаридан таҳлил этилган ҳолда баҳоланади.

Очиқ дарс – услубий ишларнинг кенг тарқалган шакли. Бунда ўқитувчилар ва муҳандис-педагогларнинг очиқ дарсларда иштирок этиши ва ўзаро дарсларга кириши муҳим аҳамиятга эга.

Одатда, очиқ дарслар ва ўзаро дарсларга кириш ўқитувчиларга касбий педагогик маҳоратини юқори эканлигини кўрсатиб бериш билан бирга ёш ўқитувчиларга ўрнак кўрсатишдан иборатдир. Унда ёш ўқитувчиларнинг иштирок этишларидан қўзланган мақсад – тажриба алмашиш, дарсни ташкил этишнинг янги шакллари, амалга оширишнинг самарали метод ва воситаларини танлай билишга ўргатишдан иборат. Таълим жараёнида содир бўлаётган ўзгаришлар туфайли очиқ дарсни муҳокама қилиш жараёнида талабаларнинг фаоллиги, мустақил фикр юритиш, ўқув материалини ўзлаштириш даражаси, ўқув материалининг хаёт ва амалиёт билан боғликлиги, предметлараро алоқанинг таъминланганлигини, муаммоли вазиятларни вужудга келтирилганлиги, талабаларнинг ижодий изланишга йўналтирилганлиги, таълим-тарбия ва ривожланишнинг муштараклигини таъминланганлигига эътибор бериш муҳим ҳисобланади. Шу ўринда айтиб ўтиш зарурки, машғулотларни очиқ дарс деб аташ шартли бўлиб, уларни намунавий дарс деб юритиш мақсадга мувофиқ кўринади. Таълим муассасаларида ташкил этилиб, ўтказиладиган барча дарслар очиқ, ошкоралик руҳида ўтказилганда гина қўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Илмий-услубий мувофиқлаштрувчи марказ – Олий таълим услубий ишлар тизимида илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйишга, олинган натижаларни экспертизадан ўтказишга, тажриба-синов иши натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштиришга имкон беради.

Илмий-услубий мувофиқлаштирувчи марказнинг бошқарув вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-таълим жараёнидаташкил этиладиган илмий-тадқиқот ишлари режасини ишлаб чиқш;

-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва ишни муваффақиятли амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- педагогик жамоанинг эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўқитувчиларнинг таълим самарадорлигини оширишга бўлган мойиллиги, қизиқишлари, мақсадларига қўра ижодий гуруҳлар тузиш;

- ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ишлари ҳолатини назорат қилиш; тадқиқот натижаларини таҳлил этиш ва баҳолаш учун эксперталар гуруҳини ташкил этиш.

Илмий-услубий мувофиқлаштрувчи марказга услубий ишларнинг ижодий тажриба-синов лабораториялари, ўқитувчиларининг ижодий гуруҳи ва педагогик тажрибалар маркази каби тузилмалари бўйсунади.

Ижодий тажриба-синов лабораториялари - кафедралар қошида ҳамда коллежлар миқёсида ташкил этилади. Уларнинг асосий вазифаси долзарб ва истиқболли муаммоларни ижодий ҳал этишдан иборат. Ижодий тажриба-синов лабораторияларида ҳар бир ўқитувчи ўз ижодий ишларини амалда кўрсатиб бериш имконига эга бўлади ва педагогик жамоанинг ижодий фаоллигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида анъанавий ва ноанъанавий услубий ишлардан уйғун ҳолда фойдаланиш, ўқув-меъёрий ҳужжатларни

такомиллаштириш, таълимни жадаллаштириш, самарали таълим технологияларини амалиётга кенг кўламда татбиқ этиш кабиларга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Marcia J. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with disabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover
2. S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013 Ratha Mohan
3. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic
4. Ш.Мамаражабов, Ж.Халмуратова “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т. 2015 й.
5. В.Сатторов, Х.Гатаев “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т. 2015 й.

2-МАВЗУ: ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ТАЪЛИМ МАЗМУНИ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАР

Режа:

- 1. Таълимни ташкил этиш шакллари**
- 2. Маъруза турлари**
- 3. Дарсларни ташкил этишга қўйилган дидактик талаблар**

Мавзуга оид таянч сўзлар: таълим шакли, мунозара, семинар, кўргазмали метод

Таълимни ташкил этиш шакллари деганда аниқ муддатда ва тартибда ўқитувчининг ўқувчилик билан олиб борадиган машғулотлари турларини тушунамиз. Ҳозирги кунда, бу машғулотларни синф-дарс шаклида олиб бориш кенг тарқалган. Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, таълимни ташкил этиш шакллари ижтимоий тузум манфаатларига мос ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Дастлабки даврларда таълим бериш ишлари одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан узвий боғланган ҳамда билим бериш, ўргатиш ишлари якка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан кўпчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо бўла бошлади. Таълим тизими мазмuni, билимларнинг мураккаблашуви талabalарни гурух-гурух қилиб, тўплаб ўқитишини тақозо қилган ҳамда таълим билан шуғулланувчи мутахассислар, ўқитувчилар тайёрлаш заруриятини келтириб чиқарган. Шу даврга келиб ўқитишининг махсус ташкилий шакллари пайдо бўла бошлади. Ҳалқ орасида ҳаётий тажрибага, билим ва тарбияга эга бўлган кишилар мураббий, ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди.

Таълимнинг ташкилий масалалари ал-Форобийнинг «Фан ва ақл-заковат» асарида ўқув фанларини гурухларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Педагогика тарихида таълимни ташкил этишнинг асосий шакли дарс ҳисобланган. Синф-

дарс тизимини дидактик талаблар асосида яратишда буюк чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг (1592-1670) хизматлари катта, уни синфлар тизимининг асосчиси сифатида бутун дунё тан олган.

Таълим шакли ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган тартибда, муайян мақсадга мувофиқ, маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятининг ташқи ифодасидир.

Бугунги кунда таълимни ташкил этиш тизимида **якка тартибда** таълим олиш ўзига хос ўрнига эга бўлиб бормоқда. Якка тартибдаги таълим оловчининг қизиқиши, эҳтиёжи, ҳоҳишига кўра муайян фан, предмет юзасидан чуқур билим олиш, маълум фан ёки предмет бўйича юзага келган ўзлаштиромчилик ҳолатини бартараф этиш, шунингдек, узоқ вақт соғлиқни сақлаш муасссаларида даволанганд ёки тиббиёт ходимлари назоратида бўлган ўқувчиларнинг ўкув дастури талабларини бажаришларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади. Якка тартибда таълим олишнинг асосий кўринишлардан бири сифатида репетиторлик таълими кенг тараққий этиб бормоқда.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ҳамда Олий таълим фаолиятида ўқитишининг ноанъанавий шаклларининг асосий турларидан бири сифатида маърузадан фойдаланиш борасида ҳаракат олиб борилмоқда. **Маъруза** асосан ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида кўлланилмоқда. Маъруза дарсларини ташкил этиш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиласидиган ишдир. Маъруза дарси тажрибали, юксак даражада педагогик маҳоратга эга кишилар томонидан ташкил этилади. Маърузада факат фан, ўкув предмети асослари борасидаги маълумотлар бериб қолмасдан, балки ўқувчиларни ижтимоий-гоявий жиҳатдан тарбиялаб бориш талаб этилади. Маъруза жараёнида асосий эътибор ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва фаолият малакасини оширишга қаратилади.

Маърузалар бир неча турларга бўлинади: маълумотномали, муаммоли, кўрсатмали, бинар маъруза, олдиндан камчиликлари режалаштирилган, матбуот-конференцияли.

Маълумотномали маърузалар тўғрисида педагогик адабиётларда кўплаб фикрлар мавжуд. Мутахассис тайёрлаш сифатини оширишда маълумотномали маърузаларни ўкув жараёнига татбиқ этиш керакли натижалар беради. Бундай маърузаларда талабанинг билиш жараёни изланишли, илмий-тадқиқот фаолиятига яқинлашади.

Маълумотномали маърузалар ёрдамида талабаларда назарий билимларни ўзлаштириш, тафаккурини ривожлантириш, педагогика фанини билишга қизиқишини ва мутахассисликка бўлган касбий мойилликни шакллантириш мумкин.

Маълумотномали маърузада талабалар ўқитувчи берган барча ўкув материалини ўша ҳолда эсда сақлашга ҳаракат қиласиди.

Муаммоли маърузада ўқитувчи талабани ўкув жараёнига жалб этишга муаммоли вазиятлар, муаммоли масалалар орқали эришади. Бунда қандай билимлар ўзлаштирилиши ва қандай масалаларни ечиш лозимлиги

белгиланади, сўнг уни ечишга керакли, талаба учун ноаниқ билимлар изоҳланади. Анъанавий ўқитишида эса олдин ўзлаштириладиган билимлар келтирилади, кейин мисоллар ва уларнинг ечимлари берилади.

Муаммоли ўқитиши жараёнида талабалар эътиборини жалб қилиш вазиятларининг компонентлари қўйидагилардан иборат: билиш обьекти (маъруза матни), билиш субъекти (талаба), субъектнинг обьект билан тафаккурий ўзаро ҳаракатлари жараёни ва бу ҳаракатларнинг хусусиятлари.

Муаммоли ўқитишида янги билим бўлиб ўқитувчи ахбороти ҳисобланади. Бунда у маърузани шундай ташкил қиласди, талабаларда янги билимларни ўзлаштириш бўйича саволлар туғилади. Муаммоли ўқитиши жараёнида талаба ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро алоқа диалог усулида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир, шунингдек, маъруза жараёнида муаммоли, маълумотномали саволлар қўйилиб керакли натижаларга эришиш мумкин. Бу эса педагогика фанини ўқитишида талабаларнинг билиш жараёнини фаоллаштиришга имкон беради.

Кўрсатмали маърузани ўқитувчи дидактиканинг кўргазмали тамойил талабларига жавоб берган ҳолда ташкил этади. Психологик ва педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўқув жараёнига кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш фақат кўргазмалиликни қабул қилиб олиш ва эсда сақлашгагина эмас, балки талабаларнинг ақлий фаолиятини фаоллаштиришга, ўрганилаётган воқеликнинг моҳиятини чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

Бинар маърузалар ўқувчилар педагогик танишув амалиётини ўтгандан ҳамда маълум педагогик билимларга эга бўлишгандан сўнг ўқитувчи ва амалий тажрибага эга бўлган (касб-хунар коллежи ўқув жараёнини амалга оширадиган ёки шу жараённи яхши ўзлаштирган) маърузачи ёрдамида амалга оширилади. Бу турдаги маърузанинг афзаллиги шундаки, талабаларнинг маърузачилар баён этган ўқув материалига бўлган қизиқиши фаоллашади. Чунки улар бир томондан назарий билимлар олса, иккинчи томондан бу билимларни ҳаётга татбиқ этишдаги амалий кўнишка ва малакалар билан танишишади. Бундай маърузаларни ўтказиш учун катта педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчи ва маърузачилар таклиф қилинади. Бинар маърузаларни ҳар доим ҳам ўтказишнинг иложи бўлавермайди, чунки унга жуда пухта тайёргарлик кўриш лозим. Бундай маърузаларни ўтказилганда ҳам таълим методларидан фойдаланилади ва талабалар ҳар доим янги, аниқ билимларни олишга йўналтирилади.

Олдиндан режалаштирилган маърузаларда талабалар ўқитувчининг камчиликларини аниқлаб боради ва маъруза охирида муҳокама қилинади. Бунда талабаларда касбий маҳоратни таҳлил қилиш малакалари шаклланиб боради. Ўқитувчи режа тузатганида маъруза матнига маълум миқдордаги камчиликларни киритиши лозим. Аммо бу камчиликлар маъруза ўқиш жараёнида яққол кўзга ташланмаслиги керак. Бу камчиликларни топишга интилиш талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Матбуот-конференцияли маърузада ўқитувчи маъруза мавзусини айтгандан кейин ҳар бир талаба 2-3 дақиқа мобайнида ўқитувчига саволлар ёзиб беради, ўқитувчи эса саволлар мазмуни бўйича ажратиб берилган

саволлар асосида маърузани бошлайди. Маъруза саволларга жавоб бериш тариқасида эмас, балки мавзу мазмунини очишга қаратилиб, унда талабалар берган саволларга жавоблар ҳам келтирилади.

Шундай қилиб, педагогика фанини ўқитиш жараёнининг самарадорлигини оширишда бир неча турдаги маърузалардан фойдаланиш ўқувчиларда билимларнинг мустаҳкам шаклланишига олиб келади.

Маърузаларнинг самарадорлиги қўйидагиларга асосланади:

- аниқ мантиқли, қизиқарли, талабга мос келувчи мазмун;
- ўқитиш методлари ва усулларидан адекват ҳолда фойдаланиш;
- ўқитишнинг техник воситалари ва кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш;
- педагогик мулоқотда бўлиш малакаси;
- маърузачининг малакаси.

Шунингдек, ўтказилаётган маърузалар матни қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- педагогика фани бўйича тўлиқ тушунча бериш;
- бу фаннинг аҳамиятини кўрсата билиш (муҳимлигини, мўлжалланган саволлар мазмуни);
- фанлараро боғланишни ўрнатиш ва керакли тушунчалар мажмuinи очиб бериш;
- талабаларда ўз касбига бўлган қизиқишини уйғотиш ва мустаҳкамлаш.

Мунозара — олий таълим тизимида нутқ ўстириш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хulosалар чиқариш воситаси сифатида ғоят муҳим ўрин эгаллайди. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Ўкувчи томонидан "ўз сўзи", ўзига хос услуби асосида изчил, саводли фикр юритилади. **Мунозара** вақтида талабалар ўзларига ишонган ҳолда саволларни муҳокама қиласидилар. Мунозара учун шундай шароит яратилиши керакки, унда талабалар ўз фикрларини ишонч билан очик-ойдин, камчиликлари учун айбга кўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари керак. **Мунозара** — битта ёки бир нечта гурух билан ўтказилиши мумкин. Уни ўтказиш талаблари ва қоидалари талабаларга олдиндан айтилади ва қўйидаги тартибда олиб борилади:

1. Мавзу танлаб олинади.
2. Мавзуга оид режа тузилади.
3. Мавзунинг қисқача мазмуни берилади.
4. Ушбу мавзуга оид мунозарани ўтказишдан кўзланган мақсад белгиланади.
5. Фойдаланиладиган адабиётлар ва ўқитишнинг техник воситалари тайёрланади.
6. Ҳаётдаги ва лицей, Олий таълим даги ўқув-тарбиявий жараёнлардаги ижобий ишлар бўйича материаллар тайёрланади.
7. Мавзуга оид қўшимча саволлар ишлаб чиқилади.

Мунозара мавзусини ўқувчилар ўзлари танлаб оладилар. Мунозара иштирокчилари ўз фикрларини баён қилганда бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлиб, ўз қарашларининг тўғри ёки нотўғрилигини исбот қилиб берадилар. Мунозарада ҳамма иштирокчилар мавзуга оид ўз фикрларини айтиши шарт. Машғулот охирида мунозара педагог томонидан таҳлил қилинади ва талабалар баҳоланиб, ҳисоботи тўлдирилади.

Семинар машғулотларининг талабалар томонидан тайёрланган маъруза ва рефератларни муҳокама қилиш усули ҳам кенг тарқалган. Одатда, ўқитувчи маъруза ва реферат мавзуларини талабаларнинг ўзларига хос хусусиятлари ва уларнинг тайёргарлик савияларини ҳисобга олган ҳолда аниклайди. Ўқувчиларга уларни қизиқтирган мавзуларни семинар машғулотларга олиб чиқишига хуқуқ берилади.

Семинар машғулоти ўқувчилар томонидан у ёки бу мавзу бўйича маърузалар тайёрлаш ҳамда уни гурух ўқувчилари билан муҳокама қилиш йўли билан олиб борилади.

Семинарларга 2-3 хафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётларни ўрганадилар, материал йигадилар, турли кузатишлар ўтказиладилар, ўз ахборотлари юзасидан тезислар тузадилар.

Семинар машғулоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади. У ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзуга оид саволлари юзасидан ташкил этилган муҳокамани якунлайди. Зарур қўшимча мулоҳазалар билдиради, материални муайян тизимга солади. Маъруза қилган, муҳокамада қатнашган ўқувчилар фаолиятини баҳолаб боради.

Семинар машғулоти ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиш, уларнинг қизиқишини орттириш, уларни мустақил ишлашга, фикрлашга ўргатиш, дарсни фаоллаштириш ҳамда ўқувчилар ақлий қобилиятларини ўстиришда муҳим ўрин тутади.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга таяниб, қуйидаги холосага келиш мумкин:

1. Таълим шакли муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятнинг ташки ифодаси бўлиб, таълим жараёнида етакчи ўрин тутади.

2. Таълим жараёни самарасини таъминлаш унда таълим методларидан ўринли ва унумли фойдаланишга боғлиқ. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишга қаратилган биргалиқдаги фаолиятларининг усуллари ҳисобланади. Таълим воситалари таълим методларининг таълимий таъсирчанлигини оширишга хизмат қиласи.

Ўқитишининг ноанъанавий шакллари доирасида **амалий-тажриба (лаборатория)** машғулотлари алоҳида ўрин тутади. Амалий-тажриба машғулотлари одатда маҳсус жиҳозланган хонада ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида олиб борилади.

Бундай таълим машғулотларини ташкил қилиш икки хил йўл билан олиб борилади:

- А) Амалий-тажриба машғулотлари;
- Б) Экскурсиялар.

Олий ва ўрта маҳсус қасб-хунар таълим муассасаларида ўтказиладиган амалий-тажриба машғулотлари асосан устахона, маҳсус жиҳозланган хоналар ва ўқув тажриба ер майдонида олиб борилади.

Ноанъанавий дарс шаклларидан бири ҳисобланган **экспедициялар** синф-дарс тизими, шунингдек, амалий машғулотлардан тубдан фарқ қиласи. Ушбу фарқ қўйидагилардан иборатdir:

а) ўқитувчи ўтказиладиган барча экспедицияларга раҳбарлик қилса ҳам, у экспедиция обьектларининг барча деталларини яхши билмаслиги мумкин, бундай ҳолларда маҳсус тайёргарликка эга эксперсовод иш олиб боради.

б) экспедиция муддати турлича бўлиб, доимий ўқув жадвали талабларига амал қилиш талабига бўйсуниш шарт ҳисобланмайди.

в) ўқитувчи ёки эксперсоводнинг раҳбарлик усули ва ўқувчиларнинг фаолияти турлича бўлиши мумкин.

Экспедиция давомида бир ўриндан иккинчи ўринга кўчиб юради. Шу боис ўқувчилардан интизомга қаттий риоя қилиш талаб этилади. Ўқувчилар обьектни кузатиш жараёнида вақти-вақти билан саволлар берадилар, зарур маълумотларни ёзиб берадилар. Экспедиция якунида ўқитувчи бугунги кузатгандарини аввал ўзлаштирилган материалларга боғлаб сұхбат ўтказади. Экспедиция материаллари асосида баён ёки иншо ёздириш мумкин.

Таълимнинг ноанъанавий шакли сифатида ташкил этиладиган баҳс-мунозара, давра столи, матбуот конференцияси муайян предметларнинг муҳим мавзулари юзасидан ташкил этилиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини илгари суриш, уни асослаш ҳамда ҳимоя қилиш қобилиятини шакллантириш учун хизмат қиласи. Бу каби дарсларнинг ташкил этилишида мақсаднинг аниқлиги, шунингдек, ўқувчиларнинг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Викторина ва мўъжизалар майдони шаклида ўтказилаётган дарслар беллашув хусусиятига эга бўлиб, ўқувчиларни фаолликка ундаиди.

Бугунги кунда дарсларни ташкил этишга нисбатан қўйидаги **дидактика талаблар** қўйилмоқда:

1. Дарснинг мақсади ва вазифаларнинг аниқлиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўғрилиги.

2. Дарснинг таълими, тарбиявий ва шахсни ривожлантирувчанлик вазифаларининг бирлиги ва узвийлиги.

3. Ўқитишининг яхлит дарс ва унинг маълум қисмлари вазифалари ҳамда мазмунига мувофиқ келадиган, ўқувчиларнинг билиш фаолликлари ва мустақил фаолиятларини таъминлашга хизмат қилувчи мақбул методларини танлаш.

4. Машғулотларнинг турли шаклларини: жамоа, гурӯҳли ва якка тартибдаги шаклларини мақбул равишда қўшиб олиб бориш.

5. Ўқитувчининг раҳбарлик роли билан ўқувчилар фаол билиш фаолиятини бирга олиб бориш.

6. Дарсларнинг ўзаро узвий ва диалектик хусусиятга эга бўлишига эришиш.

7. Ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш.

8. Дарсда ўқувчиларни ўқитиши ва тарбиялаш учун қулай шартшароит яратиш.

9. Дарсларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш.

10. Дарсда ўқувчи эркинлигини таъминлашга эришиш.

Дарсга асосан **қуйидаги мақсадлар** қўйилади: таълимий мақсад; тарбиявий мақсад; ривожлантирувчи мақсад; қизиқтирувчи мақсад.

Таълимий мақсадга умуман қуйидагилар киради: янги тушунчаларни шакллантириш; янги қонун, қоида, хусусият ва белгиларни ўзлаштиришни таъминлаш; янги ҳаракат усусларини ўрганиш; билимларга этишмовчиликларни бартараф этиш; малакаларни шакллантириш; маълум ҳаракат усусларини мустаҳкамлаш; дунёқарашибоялари ва муаммоларини аниқлаш.

Тарбиявий мақсад ўқувчиларда қуйидаги муайян шахс сифатлари ва характеристини таркиб топтиришдан иборатdir: дунёқарашибояни ва касбга қизиқтиришни; ўз-ўзини текшириш ва ўзаро ёрдам; фанлараро боғланишларни амалга ошириш кўникмаларини; нутқ маданиятини; меҳнатга онгли интизом ва муносабатни; таълим олишга ижобий муносабатни; иш ўрнини ташкил этиш.

Ривожлантирувчи мақсад дарс жараёнида талабаларнинг психологик сифатларини диққат, хотира, тафаккур, билиш қобилиятларини шакллантириш.

Қизиқтирувчи мақсад касбига қизиқиш уйғотиши малакаларини, касбий сифатларни шакллантириш, касбий маданиятини таркиб топтириш, ўз касбига муносабатни тўғри йўналтириш.

Айни вақтда таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган **дарс типлари** қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўтилган материални мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш дарси.
4. Такрорий-умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Умумий ёки аралаш дарс.
6. Билимларни мустаҳкамлаш дарси.
7. Муаммоли дарс.

Муайян дарс типи асосида олиб бориладиган машғулотларда иккинчи, учинчи бир дарс типининг турлари бўлиши мумкин. Мисол учун, таълим муассасаларида энг кўп қўлланадиган дарс типларидан бири — янги билимларни баён қилиш дарсида қуйидаги ҳолатлар амалга оширилиши мумкин:

- А) янги билимларни баён қилиш;
- Б) янги билимларни мустаҳкамлаш;
- В) янги билимлар устида машқ ўтказиш;
- Г) янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифаларини топшириш ва ҳоказо.

Мисол учун, аралаш дарс типи қуйидаги тузилишга эга бўлади:

Умумий ёки аралаш дарс:

1. Ташкилий қисм.
2. Уйга берилган топшириқни текшириш.
3. Ўқувчилар билимини оғзаки (якка тартибда, бир йўла ёки аралаш) тартибда текшириш.
4. Янги ўқув материалини баён қилиш.
5. Янги ўқув материалини мустаҳкамлаш.
6. Уйга топшириқ бериш.
7. Дарсни якунлаш.

Такрорий умумлаштирувчи дарс одатда ўқув дастурининг маълум бир қисми, боб, бўлим ёки йирик мавзу ўтиб бўлгандан кейин ўтказилади.

Билимларни мустаҳкамлаш дарси:

1. Ташкилий қисм.
2. Уйга берилган топшириқни текшириш.
3. Ўқувчилардан сўраш, ўқув материалини мустаҳкамлаш.
4. Уйга топшириқ бериш.
5. Дарсни якунлаш.

Янги билимларни ўрганиш дарси:

1. Ташкилий қисм.
2. Янги ўқув материалини баён қилиш ва мустаҳкамлаш.
3. Уйга топшириқ бериш.
4. Дарсни якунлаш.

Муаммоли дарс:

1. Ташкилий қисм.
2. Муаммони баён этиш.
3. Муаммони ҳал қилиш йўлларини кўрсатиш ва ҳал қилиш.
4. Натижаларни мухокама қилиш.
5. Ўқитувчининг изоҳлаши ва умумлаштириши.
6. Уйга топшириқ бериш.
7. Дарсни якунлаш.

Таълим бериш методлари деганда педагогнинг иш усууларини тушунмоқ керак. Ўқитиши жараёни мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, нихоятда хилма-хил ва турли характердаги омилларга боғлик. Ўқитувчи ўқитиши методларининг битмас туганмас хазинасига эга. Ўқитиши методларини ҳар хил классификацияларини таҳлил қилмай, уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиш.

1. Ўқитишида талабанинг ҳаракатлари характеристикасига қўра:
 - а) Фаол методлар
 - б) Пассив методлар
2. Ўқув ишининг турларига қараб:
 - а) билимларни ўзлаштиришнинг дастлабки методи;
 - б) билимларни такомиллаштириш методи;
 - в) билимларни текшириб кўриш ва баҳолаш методи;
3. Билим манбаларига қараб:
 - а) Оғзаки методлар;

- б) Кўргазмали методлар;
- в) Амалий методлар.

Оғзаки методлар. Агар талабалар асосий ўқув ахборотини ўқитувчининг ўқув мулоҳазалари ва исботлари жараёнида ёки дарслик мавзулари асосида олсалар, бундай методлар Оғзаки методлар жумласига киради (тушунтириш, ҳикоя, сұхбат, ва ҳ.к.).

Оғзаки методлардан фойдаланиш жараёнида кўргазмали қуроллардан фойдаланиш мүмкин. Аммо улар ёрдамчи рол ўйнайдилар.

Баён дарсда кўргазмали воситалардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигига боғлиқ бўлмаган ҳолда тузилади. Масалан, ўқитувчи тикув машинасининг тузилишини ва ишлаш тартибини тушунтираётганда кинематик схемадан фойдаланиши мүмкин. Лекин исбот мантигини кинематик схема белгиламайди, балки у тушунчани ўзлаштиришда ёрдам беради холос.

Оғзаки методлардан фойдаланиш муваффақиятининг асосий кўрсаткичлари - талабаларнинг янги билимларни эслаб қолишлари ва айтиб бера олишларидир. Оғзаки методларда талабалар ўқитувчи мулоҳазалари жараёнини тақорорлайдилар, унга тақлид қиласидилар.

Талаба ўқитувчининг тушунтириш мантиғига қанчалик яқинлашса, материални шунчалик муваффақиятироқ ўзлаштиради.

Оғзаки методлардан асосан янги материални ўрганиш пайтида фойдаланилади ва билимларни эгаллашнинг бошқа усуслари билан қўшиб олиб борилсагина улар таълимда яхши самара беради.

Кўргазмали методлар деганда таълим жараёнида қўлланиладиган кўргазмали қуроллар ва техника воситаларига кўп даражада боғлиқ бўлган ўқув материалини ўзлаштириш формалари тушунилади.

Таълимнинг кўргазмали воситалари билимларни ўрганиш ва ўзлаштириш характеристини белгилайди. Масалан, тикув машинаси деталлари намуналари кўрсатилиши механизмларнинг ишлаши виртуал ёки модель орқали ёки тикув машинасида бажариладиган технологик жараён видеотасвири намойиш қилиниши мүмкин, дейлик.

Асосий мақсад дарс мазмуни, албатта. Ўқитувчи эса қўшимча тузатиш киритиши мүмкин холос.

Таълимнинг бундай методларидан фойдаланилганда талабаларнинг билиш фаолияти кўргазмали воситалар ёрдамида шаклланадиган ёки эсга туширадиган ҳиссий образларга, тасаввурларга боғлиқ бўлади. Кўргазмали қуроллар билимларни тизимга солиш ва бойитишида, шунингдек талабаларнинг фикр юритиш фаолиятини активлаштиришда ёрдам беради.

Таълимнинг кўргазмали методлари талабаларнинг билим фаолиятида образли ва мантиқий, конкрет ва абстракт, ҳиссий ва ақлий жиҳатларнинг нисбатини чукур тушунишни талаб этади.

Амалий методлар. Машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва тажриба ишлари асосида ўқув материалини эгаллаш формалари таълимнинг амалий методлари жумласига киради. Ана шу методлар ёрдамида амалий кўникма ва малакалар шакллантирилади. Бунда кўникмани шакллантириш

жараёни ўқув фаолиятида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Кўникмаларни эгаллашнинг муваффақияти уни шакллантириш шароитига боғлиқ.

Биринчи шарт - кўникма нима мақсадда шакллантирилишини англашдир. Ҳар қандай кўникма - автоматлашган даражага етказилган ҳаракатлар системасидир. Агар талаба ўқув материалини ўзлаштиришда уларнинг аҳамиятини тушунмаса, бу ҳаракатларни шакллантириш қийин бўлади. Масалан: тикув машинаси кийимни қайси қисмларини тикишга мўлжалланганлигини ва бунинг учун кийим материалига мос равища ип ва игналар танланиши тартибини билмаса, шу ишларни бажаришдаги ҳаракатларини шакллаштириш қийин бўлади.

Иккинчи шарт - машқларнинг системали бўлиши. Одатда кўникмаларни эгаллашдаги камчиликларга ўқув машқлари системасини ташкил этиш ва ўтказишдаги камчиликлар сабаб бўлади, яъни машқларни ўтказиш учун керакли воситалар билан таъминланмаганлиги.

Учинчи шарт - амалий ҳаракатларни англаган ҳолда бажариш. Талабалар ҳаракатларнинг муайян фикрий режасига асосланишлари, иш жараёнларининг изчиллигини яхши тушунишлари, механик тарзда тақрорлашга ва ёдлаб олишга йўл қўймаслик керак.

Тўртинчи шарт - дастлабки амалий ҳаракатлар ва жараёнларга пухта тайёрланиш. Улар онгли равища режа асосида бажарилса, кўникма тезроқ муваффақиятлироқ шаклланади. Бунинг учун талабалар назарий билимларини яхши эгаллашлари керак.

Бешинчи шарт - машқларни мустақил бажариш ва ўзини-ўзи назорат қилиш. Талаба кўникмани мустақил бажара бошлаганида у ўз ҳаракатларини назорат қиласди. Ўқитувчи талабага ўз-ўзини назорат қилиш усулларини ўргатиши зарур. Масалан, талаба кийимни биронта деталига безак бериш жараёнини амалий ўргангандан кейин, уйда ўзи мустақил равища бажаришга ва баҳо беришга ўрганади.

Олтинчи шарт - бажарилган машқлар, амалий ишлар таҳлили ва уларни баҳолаш. Ўқув кўникмалари ва малакаларида ижобий ва салбий жиҳатлар бўлади. Талабалар йўл қўядиган типик хатолар намоён бўлади. Лекин синфда яхши ишларни намойиш қилиш керак. Ижобий намуна асосида ўқитиши афзалроқдир. Агар кўникмани шакллантириш шартларига риоя қилинса, ўқитишининг амалий методлари ўқув материалининг муваффақиятли эгалланишига олиб келади.

Ўқитиши методлари ўқув жараёнининг амалга ошириш, яъни ўқитиши ва ўқиши усуллари бўлганлигидан, ҳар бир методни икки томондан ўқитувчи фаолияти ва талабалар фаолияти нуқтаи назаридан қараш керак. Шунинг учун ҳам ўқитиши методини билим манбалари бўйича қўйидагича гурухлаймиз:

Оғзаки методлар	Кўргазмали методлар	Амалий методлар
<p>А) Суҳбат мақсадни тушунтириш, талабаларга муаммоли савол бериш, талабаларнинг жавобларини мухокама қилиш.</p> <p>Б) Ўқув адабиёти билан мустақил ишлаш. Мақсадни тушунтириш. Топшириқнинг мазмуни ва талабаларнинг иш тартибини аниқлаш, талабалар ишига раҳбарлик қилиш, якун ясаш.</p> <p>В) Овоз ёзишдан ва радио, телевидениедан, мультимедиа ресурсларидан фойдаланиш. Мақсадни тушунтириш, компьютер, техника ва мультимедиа воситаларини бошқариш. Талабаларни идрок этишига раҳбарлик қилиш ва якун ясаш.</p>	<p>А)Кўргазмали ўқув адабиётлари, расмлар ва схема-ларни, видеотасвирлар, Мультимедиалар, тажрибавий меҳнат усулларини намойиш қилиш. Мақсадни тушунтириш, топшириқни аниқлаш, техника воситаларини бошқариш, тажрибаларни амалда кўрсатиш.</p> <p>Б)Талабаларнинг объект ва жараённинг мустақил кузатишлари. Мақсадни тушунтириш, кузатиш обьектларини аниқлаш, талабаларнинг кузатишларига раҳбарлик қилиш, якун ясаш.</p>	<p>А) Лаборатория ва амалий ишлар, мақсадни тушунтириш, талабалар ишини тартибини ва мазму-нини аниқлаш ҳамда раҳбарлик қилиш. Якун ясаш.</p> <p>Б) Машқлар. Мақсадни тушунти-риш, талабалар ишини тартибини ва мазму-нини тушунтириш, якун ясаш.</p> <p>В)Талабаларнинг ижодий ишлари. Мақсадни тушунтириш, муаммо қўйиш, талабалар ишига раҳбарлик қилиш ва якун ясаш.</p>

Кейинги йилларда педагогика фани ва амалиётида таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда фаоллаштиришга йўналтирилган фаол методларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга катта эътибор қаратиласканти.

Биз, фаоллаштиришни таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган асосий омиллардан бири сифатида қараймиз. Фаоллаштириш лотинча сўздан олинган бўлиб - фаол, ишchan маъносини англатади, яъни шахснинг ақли ва иродасини кучайтириш орқали унинг билим олиш ва ўргатиш, фаоллаштириш қобилиятини тушунилади.

Фаол таълим деганда - биз таълим-тарбия жараёнида талаба ва ўқитувчиларнинг онгли ва фаол иштироки, мустақил ва ижодий қобилиятларини ривожлантирувчи омиллар мажмuinи тушунамиз.

Таълим олувчининг умумий фаоллиги унинг билим ва кўникмаларни эгаллаш, жараён ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаб олишга қаратилган фаолиятини билдиради.

Фаоллик туфайли шакллантириладиган билим, кўникма ва малакалар таълим олувчининг “шахсий мулки”га кўчади ва бу билимларни истаган пайтда ишга солиш имкониятига эга бўлади.

Таълим олувчининг фақатгина ўрганилаётган обьектга, жараёнга ёки ҳодисага онгли муносабати натижасида билим, амалий кўникма ва ижобий шахсий хислатлари ҳамда фазилатлар шаклланади.

Таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришда психологик ҳамда педагогик муаммолар юзага келади. Чунки, психологлар таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаоллигини психологик хусусият сифатида, педагоглар эса таълим жараёнининг асосий қонунияти ва замонавий талаби сифатида қарайдилар.

Ўқитувчи таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаоллигини ошириш учун ўқув материали мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, машғулотни ўтказишнинг турли шакллари ва усулларини ишлаб чиқиши керак.

Фаолликнинг қуидаги даражалари келтирилади:

Олий таълим да маҳсус фанларни ўқитиша талабалар фаолиятини аоллаштиришдан олдин уларнинг дастлабки билим даражаси, ўзлаштирган билимларни амалиётда қўллай олиши кўникмаларни ҳамда мустақил ишлаш қобилияtlарини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу хусусиятларни ҳар томонлама таҳлил қилмай туриб, талабаларнинг фаол фаолият кўрсатиш даражаси ҳақида фикр юритиб бўлмайди.

Таълим олувчиларни фаоллаштириш асосан фаол ўқитиш усулларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Кейинги пайтларда педагогик амалиётда қўпдан “таълимнинг фаол шакл ва усуллари” атамаси қўлланила бошлаган. У талабалар ўқув фаолиятининг юксак даражасини таъмин этувчи қатор педагогик технологиялар гурухини ўзида уйғунлаштиради.

Сўнгги вақтларда эса яна бир атама кенг тарқалган бўлиб, у “интерфаол таълим”дир. «Интерастив Леар»нинг атамаси инглиз тилида таълим субъекти (ўқитувчи, тренер, раҳбар, бошқарувчи) билан фаол алоқадорликка асосланган таълим маъносини англаради. Моҳиятан у коммуникатив технологиянинг вариантларидан бири (модель)ни билдиради. Бошқачароқ қилиб айтганда, интерфаол таълим - таълим обьекти ва субъекти ўртасидаги аъло даражада ташкиллаштирилган ўзаро ҳамкорлик муносабатидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иккиёклама (тескари) ахборот алмашинувига асосланади.

Олий таълим талабаларининг эркин ва мустақил фикрлаш ва ижодий қобилияtlарини ривожлантириш учун турли муаммоли вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш малакаларини шакллантиришни ҳамда уларнинг таълим жараённида фаол иштирокини таъминлайдиган замонавий таълим технологиялари ва усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий таълим технологиялари ва усулларини қўллаш, ўқитиш жараённида ижодий муҳитни юзага келтиради, талабалар фаоллигини оширади, ўқитувчи эса тайёр билимларни етказувчи эмас, балки талабаларнинг билимларини мустақил ўзлаштирилиши учун шароит яратиб берувчи, таълим жараёнининг йўналтирувчиси ёки маслаҳатчисига айланади.

Талабаларда ижодий фикрлашни ривожлантириш учун уларнинг ҳар бирига алоҳида индивидуал ёндашиш лозим. Ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг энг муҳим усулларидан бири талабаларни турли даражадаги муаммоли саволларни ёки топшириқларни ечишга жалб этиш,

уларнинг ечимларини мустақил излаб топишга ўргатишдан иборатdir. Амалиётда ижодий фикрлашни ривожлантириш жараёнида муаммоли саволлар ёки топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

Бўлғуси кичик мутахассисларни Академик лицей ва Олий таълим да тайёрлаш даврида ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган ушбу билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ҳамда таълим олувчиларнинг фикрлаш жараёни ва фаолиятини фаоллаштириш усулларини танлаш энг асосий муаммо бўлган ва шундай бўлиб қолади. Бунинг учун педагогик жараён нимани англашини кўриб чиқамиз.

Жараён – (лотинча “прозессийс” сўзидан олинган бўлиб), олдинга ҳаракат, ўзгариш деган маънони англатади.

Педагогик жараён – таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги белгиланган мақсадга эришишга йўналтирилган ва белгиланган натижага олиб келувчи ўзаро таъсир жараёнидир.

Таълим жараёни бевосита қўйидагилар билан боғлиқ:

таълим берувчи билан таълим олувчининг ўзаро муносабатига;

таълим технологияларига.

Усул – (грекча “методос” сўзидан олинган бўлиб, изланиш ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатади) конкрет вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш операцияларининг ёки йўлларининг йиғиндиси.

У таълим технологияларида замонавий усуллар, шакллар, воситаларда мухим ўринга эга.

Таълим жараёнида усулларсиз, қўйилган мақсадга, белгиланган мазмунни амалга оширишга, билиш фаолиятини фаоллаштиришга, сезиларли натижаларга эришиш мумкин эмас.

Усуллар натижага эришишни таъминлайди. Усуллар таълим мазмунини амалда қўллашни таъминлайди, бунда таълим берувчи фаолиятини ташкил этиш йўли – дарс бериш усуллари, таълим олувчининг фаолияти эса – ўрганиш усуллари.

Мақсадлар таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятида воситалар ёрдамида амалга оширилади, усуллар эса, уларни амалий бажарилишини таъминлайди.

Ўқитиши суали – ўқитиша белгиланган мақсадга эришиш учун таълим олувчи ва таълим берувчининг ўзаро боғлиқ фаолиятини ташкил эйтшнинг тартибга солинган усулидир.

Дарс бериш усуллари – таълим берувчининг фаолиятини ташкиллаштириш воситасидир, ўқитиши усуллари эса, таълим олувчининг фаолиятини ташкил қилиш воситасидир.

Таълим мақсадларига эришиш бўйича талаба ва ўқитувчининг биргаликдаги иш фаолиятини ташкил қилиш таълим усуллари тизимини қўйидаги белгилари бўйича гурухларга бўлиш мумкин.

Биринчи гурӯх – талабаларнинг ўзлаштириш, тушуниб етиш, билимини мустаҳкамлаш бўйича персептив (персептив-ўзлаштириш) иш

фаолиятини таъминлайдиган, тайёр ҳолатда талабаларга баён қилинган ўқитиш ва билим олиш усуллари:

- маъруза, ҳикоя, тушунтириш;
- намойиш, иллюстрация, видеоусул.

Иккинчи гурӯҳ – талабаларнинг билимини ўзлаштириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятни таъминловчи, маҳорат ва малакани алгоритм (намуна) бўйича ўқитувчиларнинг бевосита бошчилигига ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олиш усуллари:

- китоб билан ишлаш;
- лаборатория усули;
- оғзаки ёки ёзма, амалий машқлар.

Учинчи гурӯҳ – таълимга муҳокама ва ривожлантирувчи характер берувчи, таълим олувчиларни маҳсулдор фаолиятини таъминловчи дарс бериш ва ўқитиш усуллари:

- ўқув сухбати;
- давра сухбати;
- баҳс;
- ақлий ҳужум (брейнсторминг);
- ишбилармон ёки ролли ўйин;
- «пинборд»;
- баҳолаш.

Тўртинчи гурӯҳ – талабалар томонидан муаммони тушунтириш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундейдиган усуллар:

- муаммоли топшириқлар усули;
- индивидуал (амалий) усул;
- ўз-ўзини аттестация қилиш;
- лойиҳалаш усули;
- вазиятларни ўрганиш.

Бўлажак кичик мутахассисда техник ва ижодий фикрлаш учун ишлаб чиқариш таълими ва маҳсус фанлардан амалий машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятлар яратиш ва уни ҳал этишга йўналтириш учун уларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш мумкин.

Фаол усулларни ўқув жараёнига қўллаш, ўқитувчидан ижодкорлик фаолиятини, қолаверса, ўзи дарс бераётган фан (мутахассислик)ни Блум таксономиясининг таҳлил, синтез ва баҳолаш даражаларида ўзлаштириган бўлишини талаб қиласди. Бу-турли вариантларда фикрлаш учун имконият яратади.

Фаол таълим усулларидан ўринли ва мақсадли фойдаланилганда пировард натижа – таълим самарадорлиги анъанавий таълимдагига нисбатан ҳар доим юқори бўлади. Энг асосийси талабада мустақил фикрлаш, турли масалаларни ва муаммоларни мустақил ечимини топиш, ўз-ўзини назорат қилиш каби масалаларнинг шаклланишини таъминлайди.

Интерфаол усул ҳар бир машғулот турининг ёки топшириқ охирида аниқ хulosага яъни тўғри ва самарали ечимга келишни талаб этади. Талаба ўз-ўзидан тўғри ва самарали ечимга келмайди. Бу мураккаб жараён талаба томонидан мустақил тарзда босиб ўтилади.

Ўқитища энг самарали методларидан бири бу муаммоли ўқитишидир.

Муаммоли ўқитиши деганда машғулотларда педагог томондан яратиладиган вазиятлар ва уларни ечишга қаратилган талабаларнинг фаол мустақил фаолияти тушунилади. Бунинг натижасида талабалар касбий билим ва кўникмаларга эга бўладилар ва фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Албатта талабаларнинг дарсларга қанчалик даражада фаол қатнашиш ёки қатнашмаслиги талабага жуда боғлиқ. Лекин бунда ўқитувчи тайёр билимни талабаларга бериб қолади холос. Умуман олганда талабаларнинг активлиги сезиларли даражада эмас. Шунинг учун ҳам ўқитувчи томонидан кўлланиладиган ҳар қандай уриниш етарли даражада самара бермаслиги мумкин. Бундай холатда қандай йўл тутиш мумкин. Албатта ўқитиши жараёнида жуда кўп усусларни қўллаш мумкин. Лекин дарсларни муаммоли қилиб ўтиш ана шу юқорида айтилган камчиликлардан холис бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир талаба дарснинг моҳиятини тушуниб олиши ва уни олдида маълум бир муаммо ўқитувчи томонидан қўйилиши керак. Бу қўйилган муаммонинг қанчалик даражада талабаларга ижодий интилишни уйғотиши албатта муаммонинг характеристига боғлиқ. Бунда ҳар бир талаба ўз олдида турган муаммони била туриб уни ижобий ечишга харакат қилиши керак. Ўқитувчи эса бу жараёни кузатиб бориб, тегишли маслаҳат ва йўналишларни кўрсатиши керак.

Ҳозирги замонавий дарсларнинг энг характерли томони ҳам шундадир. Муаммоли ўқитишини бошқариш педагогик маҳоратни талаб этади, чунки муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиш - индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндашувни талаб этади.

Муаммоли дарсларнинг яна бир характерли томони шундаки, бу методни қўллаш билан фақатгина талабалар билимини ўстирибгина қолмай, балки талабаларда шу фанга қизиқиш уйғонади.

Педагог муаммоли вазият яратади, талабани уни ечишга йўналтиради, ечимни излашни ташкил этади. Муаммоли ўқитишини бошқариш, педагогик маҳоратни талаб этади, чунки муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши - индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндошувни талаб этади.

Муаммоли вазият яратишнинг услубий йўллари қуйидагилар:

- қарама-қаршиликларга олиб келинади ва талабалар ўзларига ечим йўлларини излаш таклиф этилади;
- иштирокчиларга ҳодисага турли хил ҳолатлардан баҳо бериш таклиф этилади;
- муаммоли назарий ва амалий топшириклар аниқланади;
- таққослаш умумлаштириш ва хulosалар чиқариш;
- аниқ саволлар қўйилади.

Таълимнинг муаммоли – қидирув услублари амалда билимни сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалиёт услублар ёрдамида амалга оширилади. Шу билан биргаликда ўкув материалини муаммоли баён қилиш услубини кўллаш, амалий муаммоли – қидирув ишларини бажариш, ҳатто тадқиқот типидаги амалларни олиб бориш тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Ўкув материалини муаммоли услуг ёрдамида ўтиш муаммоли тузилган маъруза услуги орқали билим баёни давомида мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, фактларни тахлил қилиш, талаба фикрини ўз ортидан эргаштириш, уни фаолроқ қилиш каби усуллардан фойдаланишни кўзда тутади.

Муаммоли таълим услубларидан бири эвристик ва муаммоли қидирув сухбати ҳисобланади. Бунда ўқитувчи (педагог) талабалар олдига қатор изчил ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган саволлар мажмуини қўяди. Талабалар уларга жавоб берганда қандайдир шаклларни айтадилар. Айтганлари тўғри эканлигини мустақил исботлашга ҳаракат қиласидилар. Шу билан бирга янги билимларни ўзлаштиришда мустақил равишда олдинга силжишни амалга оширадилар. Агар эвристик сухбатда бундай тахминлар янги мавзунинг фақатгина бирор қисмига алоқадор бўлса, муаммоли-қидирув сухбатда талабалар муаммоли вазиятнинг бутун бир тизимини эчадилар. Шунинг учун ҳам бу сухбатларнинг фарқи шартли ва фақатгина муаммоли вазиятда кўлланиш тадбирларига тааллуқлидир.

Таълимнинг муаммоли – қидирув услубларида кўргазмали қўлланмалар эсда сақлашни фаоллаштириш мақсадида эмас, балки дарсда муаммоли вазиятни яратадиган экспериментал масалаларни қўйиш учун ишлатилади. Бундан ташқари, кейинги пайтда расмлар ва чизмалар тизими кўринишида муайян ўкув вазиятлари тасвирларининг кўргазмали қўлланмалари кўп тайёрланмоқда. Бу усулда талабаларнинг мустақил фикрлашининг устувор сабабларини аниқлаш осон кўчади.

Муаммоли - қидирув услублари кўпроқ ижодий билим фаолияти кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Улар талабаларнинг билимни чукур англашига, мустақил эгаллашига ёрдам беради. Бу услублар, айниқса, қуйидаги ҳолларда самарали қўлланилади: ўкув жараёнида тушунча, қонун ва назария кабиларни шакллантириш кўзда тутилганда, фактик ахборотни маълум қилиш, меҳнат фаолиятининг лаборатория-экспериментал ўкув ва кўникмаларини ҳосил қилишда, ўкув материалининг мазмuni принципиал жиҳатдан янги бўлмасдан, илгари ўрганилганининг мантиқий давоми бўлса, унинг асосида талабалар янги билимни қидириш учун мустақил қадам ташласа, мазмун ҳодисадаги сабаб-оқибат ва бошқаларга олиб келса.

Дастурлаштирилган ўқитиш методи. Дастурлаштирилган ўқитиш - бу дастурлаштирилган ўкув материалининг ўқитувчи (компьютерлар, электрон дарслик, кинотренажёр ва бошқалар) ёрдамида бошқарадиган ўзлаштиришдир.

Дастурлаштирилган ўқитиш тамойилларга ажралади.

- Бошқарувчи тузилмаларнинг маълум даражасидаги иэрархияси қўйидаги масъулияти вазиятларда педагог тизимни бошқаради: фандан умумий йўналишни белгилаш, фанга муносабат, индивидуал ёрдам ва тузатишлар киритиш;

- Педагог ва талабага зарур бўлган тезкор тескари алоқа, бирига ўқув материалани тушуниш учун, иккинчисига тузатишлар киритиш учун.

Тескари алоқа икки хил шаклда амалга оширилади: ички ва ташқи кўринишда. Ички тескари алоқа – талабанинг ўзи томонидан бажариладиган, ўқув материалининг ўзлаштирилишини муттасил таҳлил қилиб бориш. Ташқи тескари алоқа – педагог ёки бошқарувчи - ўқитувчи қурилма томонидан ўқув материалининг талаба томонидан ўзлаштирилишини муттасил баҳолаб бориш.

- Ўқув материалини қадамлаб берувчи технологик жараён асосида ишлаб чиқилган ўқитувчи дастурлар. Бу эса, ўқув материалини даструда алоҳида мустақил, аммо ўзаро боғлиқ қисмлар кўринишида шаклланишини англатади. Қадам ўзаро боғлиқ учта звенодан иборат: ахборот, тескари алоқа элементи ва назорат. Изчил қадамли ўқув амаллари йигиндиси ўқитувчи дастурни – дастурлаштирилган ўқитиш асосини ташкил этади.

- Ўқитишнинг индивидуаллигини турли хил вақтда бўлса ҳам, ўқув материалининг тўла ўзлаштирилиши таъминланади. Чунки ўқитиш, суръати, ўқув материалининг ҳар бир талаба томонидан ўзлаштирилиши индивидуалdir.

- Ўқитувчи (ўргатувчи) воситалардан фойдаланиш. Дастурлаштирилган ўқитиш технологиясининг хусусияти шундаки, ўқув материали талabalар томонидан назорат топширикларини ўз ичига олган унча катта бўлмаган блоклар бўйича ўзлаштирилади.

Дастурлаштирилган ўқитиш жараёнида талabalар жуда фаол ишлайдилар. Талabalар эгаллаган билим албатта олдиндан тузилган дастурнинг қанчалик даражада тўғрилигига боғлиқ. Дастурлаштирилган ўқитишнинг яна бир хусусияти шундаки, у ўқитувчига жуда катта имкониятлар очиб беради, яъни, ўқитувчи ижодий ишларини олиб бориши ҳамда талabalар билан кўпроқ мустақил ишлаши учун имконият яратилади.

Дастурлаштирилган ўқитишнинг асосий афзалликларидан бири доимо ўз-ўзини назорат қилиш ва талabalарнинг материал устида ишлаш жараёнида уларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришлари устидан назорат қилишdir. Талabalар ўз-ўзларини назорат қилишлари бажарилган жараён натижаларини намуна билан солиштириб қўриш орқали амалга оширилади; намуна эса дастурнинг ҳар бир қадамдаги ички тескари алоқа материалларида келтирилади. Ташқи тескари алоқани амалга ошириш, яъни ўқитувчи томонидан назорат қилиш анча мураккаб ишdir. Назорат қилишнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида турли хил назорат қилувчи қурилмалари қўлланилади.

Назорат қилувчи қурилмалари сифатида компьютер ишлатилади. Талabalар билимини текшириш мақсадида ҳар бир мавзу охирида, ўқув материали охирида ўқитувчи тест саволлари ва уларнинг тўғри жавоб кодини

киритиши керак. Шнинг учун ҳам талаба ўқитувчининг иштирокисиз объектив равишда ўз-ўзини назорат қила олмайди, чунки у саволнинг тўғри жавоби кодини қурилмага киритиш учун бу жавобни олдиндан билиши керак.

Мотивация (қизиқтириш) методи. Мотивация методида дарсда талabalар билан қизиқарли, ҳаттоки, дарсга тааллуқли бўлмаган мавзулар тўғрисидаги сухбат билан бошланади.

Иложи бўлса дарсга боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан сухбатни бошлаш керак. Масалан, қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки ҳикоя танланиши мумкин. Буларнинг барчаси биринчи дарс мобайнида талabalарнинг кайфиятига, шу соҳага қизиқишига ёки кейинги дарсларда талabalар ўрганадиган фанига эътиборини қаратишга ёрдам беради.

Агар дарс биринчи бор янги талаба гуруҳида ўтилаётган бўлса, ўқитувчи қисқача ўзини таништириб ўтиб, талabalарга ҳам ўзларини таништириш имкониятини бериш керак. Бу талabalарда ишонч туғдиради, талabalар ўзларига билдирилаётган ҳурматни ҳис қиладилар. Таърифланган ва танланган ўқитиш фанларни ва модуллари асосида назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалга оширилади. Интринли (ички) ва экстринли (ташқи) мотивация учун сабаб ва аргументлар топишга ҳаракат қилиш лозим. Мотивация қилиш билан ўқиш ва ўрганишга бўлган тайёрлик учун шарт-шароит яратилади.

Сўнгра ўқитувчи талabalарга маҳсус соҳа бўйича янги материални тушунтиради, қисқа маъruzалар ўқийди, мунозаралар уюштиради, ўқув сухбатлари, ўйин машғулотлари ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида сухбатлар ўтказади. Кейинги дарсларда янги мавзуни бошлашдан аввал ўтилган мавзулар қисқача, умумлаштирилган ҳолда қайтарилиши керак.

Талabalарга мавзуларга мос тарқатма материаллар тарқатилиши лозим. Бу ўқув жараёнини енгиллаштиради. Мавзуга кирилмай туриб, тарқатма материаллар тарқатилмайди. Уларни мавзуга монанд равищда бирин-кетин тарқатиш, уларни ўқиб чиқиш учун етарли дақиқалар бериш ва талabalар эътиборини ахборотга қаратиш учун овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Талabalарга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равищда қайта ишлаб бориш учун зарурдир. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий пассив фазасидан сўнг актив фазага келиши учун имконият яратиб беради. Гурухларда ишлаш ёки мустақил равищда топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади.

Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин талabalар ўзлари бажарган ишларини баҳолашлари лозим. Бошқа бир имконият эса натижаларни гурухларда очиқ-ойдин ва самимий муҳокама қилишдан иборатдир. Ўқув фани якунида сухбат учун вақт ажратилиши керак. Бу эса ўз навбатида талabalарнинг натижалари, уларнинг амалга ошган ва ошмаган ишлари, шунингдек, талabalарнинг ўз натижалари юзасидан мулоҳаза юритишлари учун яхши имкониятдир.

Гурух динамикаси усули. Бу усул катта тайёргарлик ўтказишни талаб қиласи ва ўқув жараёнининг барча босқичларида талабаларнинг юқори даражада фаол бўлишини кўзда тутади. Талабалар гуруҳи учта кичик гуруҳга бўлинади. Буларнинг ҳар бирида етакчи (ҳаммадан кўра билимдонроқ талаба), маърузачи (кичик гурухнинг умумлаштирилган нуқтаи назарини тайёрлайди), рассом (маърузада намойиш этиладиган материалларни тайёрлайди, ҳисобчи (кичик гуруҳ фикрларининг умумлаштирилган кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқади) танланади ва ҳоказо. Машғулотлар учта кичик гурухда ягона дастур бўйича баравар олиб борилади. Уччала кичик гурухнинг ялпи мажлисида (семинарида) улардан ҳар бирининг фикри тингланади ва муҳокама қилинади.

Ўқитиши муолажаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- бутун гурух учун ўртага вазифа қўйиш;
- кичик гурухларда ишлаш (куннинг ўртасида);
- бутун гурухнинг ялпи мажлиси (кун охирида).

Шу тариқа ёндашишда талабалар бир-бирига боғлиқ вазифаларни комплекс тарзда изчиллик билан ҳал қилиб борадилар. Гурухнинг умумлаштирилган фикри машғулот якунида аниқ билиб олинади.

Дебат. Бу усулнинг асосий мақсади муаммонинг ечимини топишда талаба ўзгаларни ўз ёндошувишининг тўғрилигига иншонтиришdir. Ўз фикрини аниқ ва мантиқий баён этиш, бунинг учун ишонарли далиллар ва хulosалар топиш кўникамларини шакллантиришда дебатлар ўтказилади. Бу усулдан фойдаланиб дарс ўтишда бошқа ўқитувчи ёки мутахассислар ҳам таклифи этилиши мумкин.

Дебатда қатнашиш учун иқтидорли талабалар танланади ва улар икки гурухига ажратилади: улар ғояни қўллаб қувватлайдиган ва уларга қарши чиқувчи иштирокчилар бўлиб барчаси дебатларни ўтказиш қоидасини чукур ўзлаштирган бўлишлари керак. Гуруҳ сардори регламентга риоя қилиш учун кузатувчи – ёрдамчини тайинлади.

Танқидий фикрлаш. Бу усул орқали талабаларда дарс жараёнидаги баҳсли саволларни ечишда бир-бирларини тинглаш, мулоқот олиб бориш, турлича фикрларни таққослаш, бошқа киши тақдирига бефарқ қарамаслик каби хислатлар ривожланади, муаммоларни ечиш ва тегишли қарор чиқариш каби қобилияtlари ривожланади, тафаккур қилиш (фикр юритиш) тўғри ечимларни топиш малакаларини ўзлаштирадилар.

Бу усулдан фойдаланиш қуйидаги босқичлардан иборат.

1. Талабанинг ўз фикрини эркин ифодалashi.
2. Ўз фикрини ойдинлаштириш.
3. Талабалар фикрларини асосланганлигини текшириш.
4. Бошқалар фикрини ўрганиш.
5. Ўз ҳолатини ва ўзгалар фикрини таҳлил қилиш.
6. Муаммо бўйича ечим қабул қилиш.

Мунозара усули. Ушбу усулни қўллаш жараёнида юзага келадиган баҳслашиш мустақил фикрлашнинг ифодаси бўлибгина қолмай, ҳар томонлама ривожланаётган шахс ўзининг бирор муаммони мустақил ҳал

етишда, бошқалар билан тенг ҳуқуқли эканлигини ёқлаш эҳтиёжидир. Талаба баҳсда у ўз билимини намойиш этади, фикрларни далиллар билан асослайди. Мунозара жараённада ҳар бир талабанинг «шахсий фикри», ўз мавқеини ифодалаш ва асослаш малакаси юксак қадрланади.

Топшириқ усулининг ижобий томони шундаки, унда талабалар учун якка ҳолда эмас, гурӯҳ билан биргаликда ўтилган ўқув материални қайта кўриб чиқиб, эсга туширишлари учун шароит яратилади.

Махсус фанлардан талабаларнинг мустақил ишлашларини ривожлантирувчи муаммоли топшириқларни қўллаш яхши натижа беради. Махсус фанлардан талабалар муаммоли топшириқ ечимини мухокама қиласидилар ва биргаликда муаммо ечими бўйича умумий қарорга келишга ҳаракат қиласидилар. Махсус фанлар бўйича ўрганилаётган жараёнлар ва обьектларни ўрганиш ҳам турли топшириқлар орқали бажариладиган лойиҳалар сифатида берилиши мумкин.

Махсус фанларни ўқитишида мустақил ишларни ўтказишнинг яна фаол бир усули- **йўналтирувчи матн** усулидир.

Йўналтирувчи матн усули ёрдамида мустақил ўрганиш имконияти яратилади ва ҳар бир талаба янги кўникма учун керак бўлган билимни олиши мумкин бўлади. Касб-ҳунар таълимида махсус фанлардан ўқитиши жараёнини ташкил этишда ва такомиллаштиришга қаратилган ишлар шуни қўрсатдики, йўналтирувчи матн усули талабаларга индувидиал ёндошиш ва мустақил ишлаш имконини беради. Бу усулда ўқув материалини ўрганиш ёки топшириқларни бажариш талаба томонидан маълумот йиғиш, режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш босқичларида амалга оширилади. Ўқув жараёнини бундай босқичларга бўлиниши талабаларга ўқув материалини мустақил ўрганишига йўналтиради. Ўқитувчи аниқ ўқув мақсадига йўналтирилган саволлар ёки топшириқларни ишлаб чиқади. Талаба бажариладиган топшириқ бажариш учун керакли маълумотларни йиғади, ишни ўзи режалаштиради, амалга оширади ва бажарган иш натижасини ўзи баҳолайди.

Фаолиятга йўналтирилган таълим – бу талабаларнинг фаол иштирокидаги ўқитиши бўлиб, унда ўқитувчи ва талабалар орасидаги мувофиқлаштирилган ҳаракат орқали ўқув жараёни ташкил этилади ҳамда бошқарилади. Фаолиятга йўналтирилган таълим, одатда, аввал реал вазият тарзида ўргатиш учун 1-қадам, сўнгра ундан умумий қонуниятларни келтириб чиқариш ёки умумий тамойилни тушунтириб бериш учун (индуктив ёндашув) 2-қадам бўлиб ҳисобланади. Бундай таълимда аввал фаолият турини бажариш қўрсатиб берилади. Сўнгра аниқ топшириқлар берилади.

Латерал фикрлаш – бу ўқитишига ижодий ёндошув бўлиб, таълим олувчини мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. У «ён томондан фикрлаш», «ностандарт фикрлаш», нуқтаи назар ўзгариши ва «ғояларни ижодий топиш» жиҳатдан устувор вертикал фикрлашни кенгайтирувчи муҳим тўлдирувчи ҳисобланади. Латерал фикрлашнинг дидактик мақсади, муаммоли масалаларни ечишда талабаларнинг мустақил

фикрлаш ва ижодий қобилияларини яхшилашдан иборат. Латерал фикрлашнинг методик мақсади, маълумотларни қайта ишлашнинг анъанавий, одатий йўлидан фарқли бўлган йўл орқали альтернатив, ижодий, ноодатий ғояларни ёки таклифларни яратиш ҳисобланади.

Бу тушунча, метод ва назарияни 1960-йиллар ўрталарида немис педагогик олим Эдвард де Боно вазифаларни ечишнинг ижодий ёндошуви тадқиқоти асосида ишлаб чиқди. Унинг назариясининг бошланғич нуқтаси бўлиб одам фикрлашининг структуралари тўғри чизиқлиги бўлди. Эдвард де Боно янги ғояларни топишга ёрдам берадиган ва одатий фикрлаш йўлларидан четга чиқувчи кўпгина методларни ишлаб чиқди. Уларга, масалан, латерал фикрлаш ва шляпалар методи кириши мумкин. Бугунги кунга келиб де Боно 40дан ортиқ китобларни чоп этиб, улар 25 тилга ўгирилган. Латерал фикрлаш методлари биринчи навбатда ғояларни топишда қулай, масалан, маҳсулот учун янги ғояларни топишда ёки маҳсулотни яхшилаш учун. Шляпа методи кўпинча музокара учун умумий шартлар сифатида қўлланилади. Тасодифий таъсир методи ва алмаштириш методи ғоялар тугаганда, блокада ёки «нолинчи пункт вазияти» бўлганда айниқса қўл келади.

Аналогия методи [юононча: аналогиа] бир хиллик ёки ўхшашликни, белгиларда бир вақтдаги фарқларда белгилар бўйича маълум мувофиқлик маъносини билдиради. Аналогиялар методи хulosалашнинг мантиқий методи бўлиб, унда предметлар ва ҳодисалар бўйича уларнинг бир хиллиги ёки ўхшашлиги бўйича хulosса қилинади. Аналогиялар методининг дидактик мақсади муаммоларни ечишда талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш қобилияларини яхшилашдан иборат. Аналогиялар методининг методик мақсади, билимлар ҳамда кўникмаларнинг ишончли, синалган фаолият усулларидан янгиларига кўчиришни билдиради, яъни муаммоларни ечиш учун аналогия асосида қилинган хulosани қўллашдан иборатdir.

Аналогиялар методи кўргазмали тушунтириш учун кўп қўлланилади. Мисол учун, бу метод математик машқларда қўлланилиб, уларда талабалар бошқа кўпгина машқлар учун ечимларни топишда қўлланилади. Кўпинча янги ҳали ўрганилмаган лойиҳани бошлашда ҳам аналогиялар методи қўлланилади. Бунда таниш бўлган ва ўхшаш шароитларда бажарилган лойиҳа билан таққослаш ўтказилади. Аналогиялар бўйича хulosани ҳам табиий фанларда, ҳам ижтимоий фанларда чиқариш мумкин.

Ғояларнинг кесишувчанлиги методи (фикрлар ва ғояларни ёзиб олиш) – бу ўқитишининг методик усуллар комплекси бўлиб, унда талабалар қисқа вақт ичида ақлий ҳужум методидаги каби ёзма равишдаги ғояларни ишлаб чиқишиади. Ғояларнинг кесишувчанлигининг дидактик мақсади фаолият компетенцияси методик компонентларини яхшилаш, хусусан фаолиятда ғояларни топишдан иборат. Асосан бу талабаларда ғояларни ишлаб чиқиш бўйича кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек далиллар, ғоялар ва фикрларни тез комбинациялашни ўргатишдан иборатdir.

Ғоялар кесишувчанлиги методи турли вариантларда ишлаб чиқилган, аммо ўз бошланишини ақлий ҳужум методи концепциясидан олади. У 1970-

йилларда Б.Рорбах томонидан ишлаб чиқилган. Ғоялар кесишувчанлиги методи ақлий хужум методи каби деярли мутахассисликларга тегишли барча фанларда, у техник соҳа ёки ижтимоий соҳа бўлсин, қўллаш мумкин. Ақлий хужум методини қўлланилиши мумкин бўлган жойда ғоялар кесишувчанлиги методини ҳам қўллаш мумкин.

Ассоциограммалар методи (хотира хариталари) – ўқитишнинг комплекс методик усули бўлиб, ўқув-психологик асосларга таянган ҳолда билимларнинг ўрганиш структураларига интеграциясини осонлаштиради. Иш ҳолатини кўра олиш узоқлигига кўмаклашиш, билимларни фаоллаштириш, хотирани чуқурлаштириш ва яхшилашдан иборат. Мустақил равишда комплекс билимлар заҳираси ишлатилади ва шахсий ўқув вазиятини қабул қилиш ҳамда уни тўғри баҳолаш қобилияти ривожлантирилади.

Бу метод билимларни изархик ва қўрсатмали структуралаш ҳамда комплекс боғлиқликларни визуализациялаш ҳақида гап борилганда метод сифатида доим қўл келади.

Шунинг учун у айниқса:

- умумлаштиришларни ишлаб чиқиш;
- комплекс системаларни кўрсатиш;
- матнлар ва тушунчаларни системалаштириш;
- ёзувлар ёки ўқув материалини кўриб чиқиш;
- лойиҳаларни режалаштириш;
- ўқув материалини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш;
- ғояларни йиғиш ва структуралаш учун фойдалидир.

Ўқув машғулотларида бу методни қўллашнинг турли вариантлари берилади. Индивидуал иш, гурух иши ёки бутун синф иштирокидаги мавзуни ишлаб чиқища бу методни қўллаш мумкин.

Махсус фанларини фаол усуллар асосида ўқитиш орқали талабаларда мустақил ишлаш ва фикрлаш кўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш учун етарли асос яратилса, улар келажакда жамиятнинг фаол иштирокчилари бўлиб етишадилар.

Ушбу таҳлиллар ва фикрлардан шундай хulosа қилиш мумкинки, таълимни фаоллаштириш орқали талабаларда қуйидаги ҳаётий кўнималар шакллантириллади: саводлилик, ишбилармонлик, янгиликни яратиш ҳиссиёти, ўзига ишонч, мустақил ўрганиш орқали таълим олиш, мустақил фикрлаш, гигиеник ва хавфсизликка эътибор бериш, ижодий фикрлаш танқидий фикрлаш, ўз-ўзини баҳолаш.

Келажакда меҳнат фаолияти учун қуйидаги кўнималар шаклланади: гурухда ишлаш, мулоқот қилиш, янгиликни излаш ва яратиш кўнималари, техник кўнималар, ресурсларни бошқариш, иш хавфсизлигини таъминлашлари, техник ижодкорлик ва дизайн, бошқарув, лойиҳалаштириш ва мустақил қарор қабул қилиш, мустақил музокаралар олиб бориш, маълумотни қайта ишлаш қобилияти.

Маъруза, хикоя, тушунтириш – ўқув материалини баён қилиш усули вербал (лот.т. Вербалис – оғзаки) ҳисобланади. Одатда бу усуллар намойиш,

видеоусул, кўргазма усуллари билан қўшилган ҳолда олиб борилади. Улар талабаларнинг билимини ўзлаштириш, эслаб қолиш ва тушунишга қаратилган рецептив фаолиятни таъминлаб беради ва талаба томонидан тайёр ҳолда баён этилади.

Маъруза – катта ҳажмдаги ўқув материални нисбатан узоқ вақт давомида монологик баён этиш. Бу усулнинг асосий вазифаси - таълим бериш, ўргатишидир.

Бу усулининг самарадорлик шартлари қўйидагилардан иборат:

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- маъруза режасини эшиттириш;
- режанинг ҳар бир пунктини ёритишдан сўнг қисқача умумий холоса қилиш;
- маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига (бўлимига) ўтишида мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- муаммоли (проблемали) баён қилиш;
- ёзиб олиш зарур бўлган жойларни ажратиш (ёздириш);
- маърузаларни унинг алоҳида ҳолатларини батафсил таҳлил қилиш имконини берувчи семинар машғулотлари ва амалий машғулотлар билан қўшиб олиб бориш.

Маъруза ўтказишнинг фаол услубларига: муаммоли маърузалар; маъруза–конференциялар; конспекцияз маърузалар – фикри сўз билан ифодалаш; муаллифлик маърузалари; маъруза–мунозаралар; қайтар алоқа техникаси қўлланган маърузалар; аниқ вазиятни таҳлил қилиш маърузалари киради.

Ҳикоя – унча катта бўлмаган, тарифловчи характерга эга бўлмаган, ўқув материалини монологик, ҳикоя қилувчи, хабар берувчи баёнидир.

Тушунтириш – баён қилинаётган материални турли ҳолатларини таҳлил қилиш, тушунтириш, изоҳ бериш ва исботлаш ёрдамида ўқув материалини баён қилиш. Бу усуллар биргаликда билимни мантиқий, тартибли, тушунарли, ҳис-ҳаяжонли қилиб етказиш учун қўлланнилади.

Намойиш – талабаларни табиий ҳолатда ҳодисалар, жараёнлар, обьектлар билан кўргазмали – ҳиссий таништириш. Бу усулнинг етакчи вазифаси – ўқитиш. Намойишдан ўрганилаётган ҳодисалар динамикасини очиб бериш учунгина фойдаланиш мумкин. Бу усул бирор нарсанинг ташқи кўриниши билан таништириш, унинг ички тузилиши ёки шунга ўхшаш нарсалар қаторидаги ўрни билан таништиришга хизмат қилиши мумкин.

Намойиш усулининг таълимий функцияси самарадорлигини таъминлаш қўйидагилага боғлиқ: обьектларни тўғри танлаш; талабалар диққатини намойиш қилинаётган ҳодисаларнинг муҳим тарафларига йўналтириш; намойиш жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, талабалар намойиш қилинаётган обьектларни нафақат кўз билан кўра билишлари, иложи бўлса, уларни барча сезиш аъзолари билан қабул қилишлари лозим; талабалар эътиборини имкони борича обьектнинг муҳим тарафларига жалб

этиш; талабаларга объектнинг ўрганилаётган сифатларини мустақил ўлчаш имконини яратиш.

Иллюстрация – ҳодиса, нарса, жараёнларни тасвирий шаклда схема, репродукция, ясси моделлар ёрдамида кўрсатишидир.

Бу усулининг асосий вазифаси – ўргатиш. Иллюстрация усулининг воситаси бўлиб суратлар, жадваллар, рангли хариталар, альбомлар ва атласлар хизмат қиласди.

Кўргазма қуролларини ва иллюстрация шаклларини танлаётганда унинг билим олиш жараёнидаги таълим тарбиявий вазифасини, жойини ва ролини пухта ўйлаб кўрмоқ лозим. Тажриба шуни кўрсатдик, катта хажмдаги иллюстрация материаллари талабани ўрганилаётган ҳодисаларнинг туб моҳиятини аниқлашдан чалғитади.

Иллюстрацияларни олдиндан тайёрлаб қўйилади ва улардаги ўқитиш жараёнида керак бўлгандагина кўрсатилади.

Видеоусул – ахборотни кўпроқ кўргазмали ўзлаштиришга асосланган бўлиб, унда кинескоп, кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телевидениеси, видеомагнитофон, ахборотни дисплейда акс эттирувчи компьютерлардан фойдаланилади. Ўқув жараёнида видеоусулдан фойдаланиш, таълим - тарбиявий вазифаларни унумли ечишини таъминлайди, яъни:

- Янги билимларни баён этиш, яъни жуда секин кечадиган жараёнлар билан танишиш, бевосита кузатиш мумкин бўлмаган (ўсимликлар ўсиши, суюқликда диффузия ҳодисаси ва х.к.), шунингдек, тез содир бўладиган жараёнлар, бевосита кузатишлар ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бера олмаган ҳолда (қайишқоқ таналарнинг урилиши, моддаларнинг кристалланиши ва х.к.) қўлланилади;
- Мураккаб механизмлар ва машиналарнинг ишлаш тамойилларини динамикада тушунтириш;
- Турли хил иш фаолиятини бажариш алгоритмини тушунтириш;
- Чет тили дарсларида ўзига хос тил мухитини яратиш;
- Видеохужжатларни тақдим этиш;
- Машқ қилиш ишларини бажариш, жараёнларни моделлаштириш, керакли ўлчамларни олиб бориш;
- Ўқув-машқ ва тадқиқот ишларини олиб бориш учун маълумотлар базасини (банкини) яратиш;
- Таълимни ташкил қилишга дифференциялашган ёндошувни ташкил қилиш ва б.

Китоб билан ишлаш, лаборатория усули, машқлар. Ушбу гуруҳ усувлар талабаларнинг нафақат тайёр билимларини ўзлаштириши ва хотирада сақлаб қолиши, балки, бевосита таълим берувчининг раҳбарлиги остида алгоритм (наъмуна) бўйича ҳаракатларни бажариш маҳорати ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган репродуктив фаолиятни таъминлашга хизмат қиласди.

Китоб билан ишлаш усули барча функцияларни бажаради: таълим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш, асослаш.

Китоб билан ишлаш усулларига қуидагилар киради: унинг тузилиши билан танишиш; кўз югуртириб чиқиш; алоҳида бобларни ўқиши; саволларга жавоб қидириш; материални ўрганиш; реферат ёзиш; қисқача баён тузиш; вазифа ва машқларни ечиш; тест синовларини бажариш; материални хотирада сақлаб қолиш.

Лаборатория усули – бу шундай таълим усулини, унда талаба ўқитувчи раҳбарлигида олдиндан белгиланган режа асосида тажрибалар ўтказади ёки амалий вазифаларни бажаради. Лаборатория усулининг асосий функцияси – ўргатиш ва ривожлантириш. Бу усулни қўллаш билан, биз талабаларда куидаги имкониятларни таъминлайди:

- асбоб-ускуналардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини эгаллаш;
- мустақил тадқиқотнинг янги йўлларини танлаш ва маълум бўлганларини текшириш;
- амалий малакаларни эгаллаш: ўлчаш ва ҳисоблаш, натижаларни қайта ишлаш ва илгари олинганлари билан таққослаш.

Айниқса, муаммоли (тадқиқий) лаборатория усули самаралидир, бунда талабалар ўзлари гипотезани илгари сурадилар, уни амалга ошириш йўлини аниқлайдилар, керакли асбоб-ускуналар ва материалларни танлайдилар.

Лаборатория усули мураккабдир. У маҳсус ва кўпинча қиммат ускуналар бўлишини, ўқитувчи ва талабаларнинг пухта тайёргарлик кўришини талаб қиласди. Ундан фойдаланиш жуда кўп энергия ва вақтни сарфлаш билан боғлиқ. Лаборатория иши вақтида талабалардан намойиш усулига қараганда анча катта фаоллик ва мустақиллик талаб қилинади, улар бу ерда суст кузатувчи бўлиб эмас, тадқиқотларнинг қатнашчиси ва бажарувчиси сифатида ҳаракат қиласди.

Машқ - таълим усули бўлиб, ўтилган материални амалиётда қўллаш мақсадида, режа билан ташкил этилган амалларни кўп маротаба бажаришдир.

Бу усулнинг асосий функциялари: ўргатувчи ва ривожлантирувчи. Ушбу усулнинг афзаллиги шундан иборатки, у кўникма ва малакаларни самарали шакллантиришни таъминлайди, камчилиги-мотивацион функцияни суст бажаришдадир.

Машқларни қуидаги турлари мавжуд: маҳсус; шарҳланган; ёзма; оғзаки; ишлаб чиқариш – меҳнат; лаборатория – амалий.

Шарҳланган машқлар ўқув жараёнини фаоллаштиришга, ўқув вазифаларни онгли равища бажарилишига хизмат қиласди. Уларнинг моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи ва талабалар бажарилаётган ишларни шарҳлайдилар, натижада улар ўзлаштирилади ва тушуниб етилади. Аввал бунга энг яхши талабалар жалб этилади, кейин эса материални тушунтиришда бутун гуруҳ иштрок этади. Шарҳланган машқлар усули ўқув машғулотининг юқори суръатини таъминлайди, материални барча талабалар томонидан онгли равища, мустаҳкам ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Оғзаки машқлар таълим олувчиларнинг нутқ маданияти ва мантиқий тафаккурини тараққий эттириш, уларнинг билим имкониятлари билан боғлиқ.

Ёзма машқлар. Уларнинг асосий вазифаси – керакли қўникма ва малакаларни шакллантириш, чукурлаштириш ва мустаҳкамлашдан иборат. Шунинг учун, улар етарли миқдорда ва ҳар хил бўлиши керак.

График машқлар математика, физика, чизмачилик, ва бошқа дарсларда, ишлаб чиқаришни ўрганиш жараёнида ишлатилади.

Лаборатория-амалий машқлари меҳнат қуролларидан, лаборатория асбоб-ускуналаридан (жихозлар, ўлчов аппаратлари) фойдаланиш малакаларини эгаллашга имкон беради, конструкторлик-техник маҳоратни ривожлантиради.

Ишлаб чиқариш-меҳнат машқлари ўқув ва ишлаб чиқариш характеридаги алоҳида ишлаб чиқилган тармоқни ташкил этади. Улар оддий ва мураккаб бўлади: биринчиси – алоҳида меҳнат усусларини бажариш машқлари, иккинчиси – ишлаб чиқариш – меҳнат ишларини бутунлигича ёки уларнинг талай қисмини (станокларни созлаш, деталь қисмларини тайёрлаш ва ҳ.к.) кўзда тутилган.

Суҳбат, баҳс, ақлий ҳужум, ишбилармонлик ўйини. Булар таълим олувчиларнинг сермаҳсул фаолият қўрсатишларини таъминловчи, таълимга муҳокама қилувчи ва ривожлантирувчи тус берувчи дарс бериш ва ўқитиш усуслариридир.

Суҳбат – ўқитиш ва ўқишининг диалогик, савол-жавоб усули.

Суҳбатнинг афзаллиги яна шундан иборатки, у фикр юритишни максимал фаоллаштиради, талабанинг билим олиш кучини тараққий эттиришга имкон беради. Белгиланган мақсади бўйича суҳбатлар қуидагиларга бўлинади:

- кириш ёки ташкил қилувчи (дидактик вазифаси: талабаларни машғулотда ишлашга тайёрлаш);
- янги билимлардан хабардор қилиш (дидактик вазифаси: талабаларни янги материал билан таништириш);
- синтезловчи ёки мустаҳкамловчи (дидактик вазифаси: таълим олувчилар томонидан билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш, эслаб қолиш ва англаш).

Мунозара фаол таълим усули бўлиб, муҳокама маълум муаммо бўйича фикр алмашинув кўринишида ўтади. Мунозара усули барча функцияларни бажаради. Ушбу усулдан қуидаги мақсадлар учун фойдаланади: янги билимларни шакллантириш; талабаларда у ёки бу саволларни чукур ўйлаб кўриш, туб маъносига етишга мотивацияни таъминлаш; талабаларга дадил ва дадилга асосланган хулоса орасидаги фарқни тушуниб етишни ўргатиш; коммуникатив қўникмаларни шакллантириш, талабаларга ўз фикрида мустаҳкам туриш ва уни ҳимоя қилишга ёрдам бериш.

Мунозара ривожланиши мумкин, қачонки: эркин мунозара бўлса; ёки бирор йўналишда – бошқариладиган мунозара бўлса.

Мияга ҳужум - ғояларни генерация қилиш усулида қатнашчилар бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиласылар: уни ечиш учун шахсий ғояларни илгари сурадилар (генерация қиласы).

Бу усул барча функцияларни бажаради: лекин унинг асосий вазифаси – муаммони мустақил тушуниш ва ечишга таълим олувчиларни мотивациясини үйғотиши.

Пинборд (инглизчадан: пин-мустақамлаш; боард-доска). Бу ўқитиш услугбининг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўкув сұхбати амалий усул билан боғланиб кетади. Унинг афзаллық функциялари – ривожлантирувчи ва тарбияловчы вазифадир: талабаларда мұлоқот юритиши ва мунозара олиб бориш мәданияти шаклланади, ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишида баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиши күнікмаси ривожланади.

Ишбилармонлик ёки ролли (вазиятли) ўйинлар – муаммоли вазифанинг бир туридир. Фақат бу ўринда, матнли материал ўрнига талабалар томонидан роллар ўйналадиган ҳаёттій вазият сақналаштирилади.

Бу ўқитишнинг умумий методик технологияси бўлиб, бунда таълим олувчи биринчи навбатдаги топшириқ ечимини қабул қилиш жараёнини кўриб чиқадилар. Бу жараён моделга ўтказилиб, бунинг натижасида эпизодлар (аниқ натижалар ва уларнинг оқибатлари) пайдо бўлади. Бу асосан фаолият компетенцияси ва методик компонентларини ривожлантириш бўлиб, хусусан, фаолиятни бажаришда ечимларни қабул қилиш вазиятларини мустақил ечиш орқали амалга ошади.

Хозирги ишбилармон ўйинининг дастлабки шакллари 17-18 асрларда мавжуд эди. Бошланишида улар ҳарбий мақсадларда стратегик ўйин сифатида ишлатилган, 1950-йилларда саноат ва иқтисодиётда қўлланилиши (бизнес-тренинг, бошқарув кўнкмаларини машқ қилиш) натижасида ўз ҳарактерини сезиларли ўзгартириди. Таълим тизимиға эга ишбилармон ўйинлари сиёsatшуносликда сиёsat ва жамиятда ечимларни қабул қилиш жараёнларини моделлаштириш орқали кириб келди. Одатда ишбилармон ўйини ҳеч қандай фанни четламайди, турли фанлар орасида ҳамкорликни талаб қиласы, чунки ўйиннинг ўзида турли маҳсус соҳалар методлари билан ишлаш керак бўлади. Бунда турли соҳалар ўқитувчилари орасидаги ҳамкорлик катта аҳамият касб этади. Ишбилармон ўйинни иш фаолиятларига рухсат йўқ бўлган ёки имконияти чекланган ҳолатларда, иш фаолиятларини кўрсатиш хавфдан узоқ бўлган ёки мураккаб бўлган ҳолатларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ишбилармон ўйин бу ерда турлича ифодаланиши мумкин: иштирокчи ўзига бирон ролни олиб, бу рол билан боғлиқ ечимни эса бутун гурух қабул қиласын умумий ўйинлардан бошлаб, иштирокчи бошқа исталган иштирокчи билан алоқа қилиши мумкин бўлган интерактив ўйинларгача.

Ишбилармонлик ва ролли вазиятли ўйинлар ўкув усули сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради: ўргатувчи: умумтаълим маҳоратни шакллантириш; ижодий қобилиятни ўстириш; шу жумладан: янги вазиятларни тушунириш, аниқлаш ва таҳлил қилиш; ривожлантирувчи:

мантиқий тафаккурни, нутқни, атроф-мухит шароитига ўрганиш қобилиятини ўстириш; мотивацион: талабаларни ўқув фаолиятига унダメок, мустақил хulosага келишига рағбатлантирмоқ; тарбиявий: масъулиятни, коммуникативликни шакллантириш.

Индивидуал (амалий) усул. Индивидуал (амалий) усул лаборатория усулидан шуниси билан фарқланадики, унда кўпинча, талабалар фаолиятида олинган билимлар вазифасини ечишга қаратадилар. Назариётни амалда татбиқ қила билиш биринчи ўринга чиқади. Ушбу усул билимни, маҳоратни чуқурлаштириш вазифасини бажаради, шунингдек, ўрганиш фаолиятини кучайтиришни таъминлайди. Амалий усул талабаларни вазифаларни виждонлик билан бажаришга, меҳнат жараёнини пухта ташкил этишга бошқа усуллардан кўра кўпроқ кўмаклашади (иш сифатини синчиклаб текшириш, хulosаларни таҳлил қилиш).

Лойиҳалар усули билим ва малакаларни, таҳлил қилиш ва баҳолашни амалий қўллашни назарда тутувчи таълимнинг мажмуавий усулини амалга оширади. Бошқа усулларга қараганда, бу усулда талабалар режалаштиришда, ташкил қилишда, текширишда, таҳлил қилишда ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар.

Лойиҳа усули асосан талабаларни мустақил ўрганиш қобилиятларини ривожлантириш, тегишли касбий эгаллашда шахсий фазилатлар ва амалий кўнималар шакллантиришга қаратилган бўлиб, ўзлаштиришни кучайтириш мақсадида қўлланилади.

Лойиҳалар усулида таълим беришда фақат натижалар эмас, балки жараённинг ўзи кўпроқ қимматлироқdir. Лойиҳа индивидуал бўлиши мумкин, лекин, одатда ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.

Лойиҳа бир фанга оид, фанлар орасида ёки фандан ташқари бўлиши мумкин.

Лойиҳа устида ишлаш жараёнида, ўқитувчининг фаолияти қуйидагилардан иборат бўлади: талабаларга ахборот қидиришга ёрдам бериш; ўзингиз ахборот манбаи бўлишингиз; бутун жараённи мувофиқлаштиришингиз; талабаларни қувватлашингиз ва тақдирлашингиз; узлуксиз қайтар алоқани қўллаб-қувватлашингиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.MarciaJ. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with desabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover
- 2.S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013Ratha Mohan
- 3.R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic
- 4.Ш.Мамаражабов, Ж.Халмуратова “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т.2015 й.
- 5.В.Сатторов, Х.Гатаев “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т.2015 й.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:

Мутахассислик фанларини ўқитишнинг ташкилий шакллари

«Мутахассислик фанларни ўқитишнинг замонавий методикалари» фани ўз мазмун моҳиятини бойитища, янгилашда мавжуд ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Ушбу илмнинг илмий тадқиқот усуллари деганда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, методлари ва воситалари мажмую тушунилади. Бу фаннинг илмий тадқиқот усуллари қанчалик ривожланса ҳамда такомиллаштирилса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади.

Фан бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борища методлардан фойдаланиш мумкин:

1. Ўқитувчилар тайёрлаш тажрибалари. Ўқув-меъёрий ҳужжатлари ва унга бағишлиланган адабиётларни таҳлил қилиш.

2. Суҳбат ва саволнома.

3. Педагогик кузатиш.

4. Педагогик тажриба-синов ишлари.

5. Тадқиқотдан олинган натижаларга математик ишлов бериш.

Суҳбат методи - сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришни талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоҳида бўлиш вақтида оғзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошнинг жавобларини ёзмасдан эркин муомала формасида қўлланилади.

Суҳбат методидан фарқ қилиб, интервью олиш методи саволларни олдиндан белгиланган изчилликда интервью йўли билан баён қилишни назарда тутади. Ўқувчилар ижодини ўрганиш- уларни ўзига хос индивидуал тартибдаги фаолиятларига доир омиллар таҳлил қилинади хулосалар ясалади.

Педагогик кузатиш - одатда табиий кузатиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ-автори ва муаммоларидағи ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълим тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш учун қўлланилади. Бу метод тадқиқотчининг педагогик тажрибани муайян бир томони ва ҳодисаларини бирор мақсадини кўзда тутиб идрок этиш ташкил этади. Бунда кузатишлар тезлиги ва сони, кузатиш обьекти, вақти, педагогик вазиятларни кузатиш учун ажратиладиган тавсиф ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Қайд қилиш усулига қараб кузатиш турларга бўлинади. Бевосита ва билвосита қайд қилиш усули тадқиқотчига реал педагогик жараён кузатувчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва ҳоказоларни ёзиб қўйиш имконини беради. Бевосита қайд имконини усули бирор бир ҳодисанинг оқибатлари ҳақидаги фактик материални бошқа шахслар орқали ёки қандайдир асбоб қўллаш воситасида олишга имкон беради. Илмий-техника тараққиёти

асрида кузатишнинг визуал усуллари хилма-хил техника воситаларини кўллаш билан тобора кўпроқ кўлланиммоқда.

Педагогик сўраш методи - тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибани бирор томони ёки ҳодисалари ҳақида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташкил этади. Сўраш саволларнинг мантиқий ўйланган системасини, уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан кўпчилиги (3-5) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий формадаги жавобни («ҳа», «йўқ») ҳам тақозо этиши мумкин.

Педагогик тажриба-синов методи - ушбу тажриба таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг татбики жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўказилади.

Таълимнинг, ўқитишнинг вазифаси фуқаролар, ёшларнинг энг асосий Конституциявий ҳукуқларидан бири бўлган ҳар бир кишининг ақлий-амалий имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий қобилиятларини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожини таъминлаш, ўзи ҳоҳлаган касбини таъминлаш, уни мукаммал эгаллаб, шу соҳада баҳтиёр фаолият кўрсатиш учун моддий-маънавий, тарбиявий-дидактик шарт-шароит яратишдан иборат. Бу умумий вазифадан таълимнинг ҳар бир бўғини, тури ва босқичларининг ўзига хос вазифалари келиб чиқади.

Фаннинг мақсади: «Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фанини ўқитишдан мақсад талабаларни келажакда таълим тизимида фаолият юритиши давомида таълим олувчиларнинг таълими ва тарбияси жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни еча олишида ҳамда уларнинг умумтехника, махсус технология ва ишлаб чиқариш таълими дарсларини олиб боришига ёрдам берадиган методик касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришdir.

Магистр ҳамма турлардаги касбий ўқув юртларида касбий таълим бериш бўйича ишлашга тайёрланади. Магистр бўйича малака тавсифномаси психолого-педагогик тайёрлашни ҳам кўзда тутади. Методик тайёрлашнинг моҳияти магситрни келгусидаги унинг педагогик фаолият технологияси, яъни таълим бериш ва тарбиялаш технологияси бўйича малакаларини шакллантиришdir.

Фаннинг вазифалари:

- талабаларда касб таълими методикасининг терминологик тушуниш аппаратини шакллантириш;
- таълимни ташкил қилиш шакллари, мақсади ва вазифаларини лойиҳалаш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- таълим жараёнининг ташкил этилганлигини таҳлил қилиш ва уни самарали баҳолай билиш;
- касбий таълим йўналиши бакалаврларининг методик ишлари тизими бўйича тушунчаларни ҳосил қилиш;
- касбий ва умумтехник билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш жараёнида ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришни лойиҳалаб олиш бўйича малакаларини шакллантириш.

Талабаларнинг билимiga, қўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар.

Фанни ўрганиш натижасида талабалар қўйидагиларни билиши керак:

- фан мазмунини ажратиб олиш принципларини;
- назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш шаклларини;
- ўқув жараёнини бошқаришни;
- назарий ва амалий машғулотларни ўқитиш методикасини;
- ишлаб чиқариш таълими тизимини;
- ўқитиш методикасини;
- назарий ва амалий таълимнинг принципларини;

Фанни ўргангандан сўнг талаба қўйидагиларни уддалай олиши керак:

- назарий таълим технологиясини мустақил лойиҳалашни;
- ишлаб чиқариш таълимини ўқитишни мустақил лойиҳалашни;
- назарий ва амалий таълим бўйича машғулотларни мустақил ўтказишни;
- тренажёрларда машғулот ўтказиш методикасини;
- машғулотларда фаол ўқитиш методларини қўллашни;
- машғулотларда фанлараро боғланишларни амалга оширишни;
- ўқувчилар билимини рейтинг тизимида баҳолашни.

Педагог ҳамма турдаги касбий ўқув юртларида касбий таълим бериш бўйича мутахассисдир. Методик тайёрлашнинг моҳияти бўлажак педагог кадрларни келгусидаги педагогик фаолиятини эгаллаш бўйича билими, қўникма ва малакаларини шакллантиришдир.

Фанни ўрганиш учун зарур бўлган бошқа ўқув фанлари ва бўлинмалари. «Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси» фани ўқув режанинг асосий фанларидан бири ҳисобланиб, уни ўрганиш педагогика, психология, умумтехника ва мутахассисликка доир техника фанлари билан ўзаро боғланган ҳолда олиб борилади.

Фанни ўрганиш учун керак бўлган ўқитишнинг техник воситалари, кўргазмали қўлланмалар. Фанни ўрганиш учун ўқув жараёни бўйича диа-кинофильмлар, ўқитишнинг техник воситалари, ўқув полигонини макетлари, техник асбоб ва қисмларининг моделлари, плакат, диаграмма ва схемалар, методик адабиётлар ва жиҳозланган хона.

Талабалар билимини рейтинг тизимида баҳолаш. Бу ишни олий ўқув юртларида амалга ошириш учун Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан Низом ишлаб чиқилган.

Ушбу Низомга асос қилиб Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябр 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим тўғрисида»ги Низом, «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Намунавий Низом қабул қилинган.

Талабалар билимини рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад талабаларга ўқитилаётган фанларни чуқур эгаллаш, топшириқларга эркин

ижобий ёндошиш, мустақил фикрлаш, ўз билимини мунтазам рационально оширишга интилиш ҳамда адабиётлардан ва қонунлардан кенг фойдаланиш каби хусусиятларни ривожлантириш ва шу тариқа рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга эришиш.

Рейтинг тизими қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратылған:

- талабалар ўзлаштиришини мунтазам рационально назорат этиб бориш;
- уларни семестр (ўқув йили) давомида ўз устильарида узлуксиз фаол ишлешларини таъминлаш;
- талабалар билимини ҳаққоний, аник ва адолатли баҳолаш ҳамда натижаларни уларга мунтазам рационально маълум қилиш;
- талабаларда мустақил ишлеш кўнималарини кенг ривожлантириш;
- профессор—ўқитувчиларда маъруза ва амалий машғулотларга пухта тайёргарлик кўриш, баҳолаш саволларини тузишда масъулиятни ошириш.

Фан бўйича максимал рейтинг балли ўқув режасида айнан шу фанга ажратылған аудитория соатларининг миқдори билан белгиланади.

Талаба билимини баҳолашда, аввал унинг ўзлаштириш кўрсатгичи (фоизда) аниқланади. Сўнг дарс соатларининг миқдорига мувофиқ, унинг фан бўйича рейтинги ҳисоблаб топилади.

Баҳолаш турлари ва шакллари. Талабанинг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолаш семестр давомида мунтазам рационально олиб борилади ва қуйидаги турлари орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ)
- оралиқ баҳолаш(ОБ)
- якуний баҳолаш (ЯБ)

ЖБда фаннинг ҳар бир мавзуси (ёки бир неча мавзулар) бўйича талабанинг билим даражасини (ўзлаштиришини) аниқлаб бериш назарда тутилади ва у одатда, амалий машғулотлар (семинар ёки лаборатория ишлари) дарсларида амалга оширилиши мумкин.

ОБда фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлим ёки қисм бўйича назарий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг талабанинг назарий билимлари баҳоланиб, унда талабанинг муайян савол ёки муаммони ечиш маҳорати ва қобилияти аниқланади.

ЯБда фанни ўтилган ҳажми доирасида талабанинг билими аниқланади. ЯБ назорат турига ажратылған баллар миқдори, ўқув режасида фанга ажратылған соатнинг 30% миқдорида белгиланади. «ЯБ ва ОБ» турлари таянч ибораларга асосланган. «Ёзма иш» усулида ёки бошқа усулларда (оғзаки, тест, ҳимоя ва ҳ.к.) ҳам ўтказилиши мумкин. Бундай ЯБ ва ОБ турларининг «Ёзма» усулида ўтказиладиган салмоғи (биргаликдаги) фанга ажратылған соатлар ҳажмини камида 45% қоплаши лозимлиги белгилаб қўйилган, ҳар бир «Ёзма» иш бўйича талаба 55% дан ортиқ балл йигиши шарт.

ЖБ учун максимал рейтинг бали амалий машғулотлар учун ажратылған соатнинг 70% миқдорида деб белгиланади. ОБ учун максимал

рейтинг балли назарий машғулотлар учун ажратилган соатнинг 70% миқдорида деб белгиланади.

Ўқув режага мувофиқ ўқитилиши бир неча семестрга режалаштирилган фан бўйича талабанинг умумий рейтинг балли ҳар бир семестр давомида шу фан

2- АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: Замонавий таълим технологияларининг таркибий қисмлари.

Ишдан мақсад. Мутахассислик фанларни ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш

Масаланинг қўйилиши. Педагогик технология тушунчасининг мазмунмохияти, таълим технологияларини ишлаб чикиш ва амалга оширишнинг илмий муаммолари, педагогик технологиянинг афзаликлари.

Ишни бажариш учун намуна

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, куп маротаба илгор педагогик технологияларни урганиб, уларни укув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

Кейинги ун йиллар ичида яратилган, педагогикага багишлиланган адабиётларда «Педагогик технология», «Янги педагогик технология», «Илгор педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология» каби тушунчалар куп учраб тургани билан уларнинг узбек тилидаги маромига этган таърифи хали тузилмаган.

Республикамизнинг педагог олим ва амалиётчилари илмий асосланган хамда Узбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида куллашга интилмоқдалар.

Бу эрда, нима учун бугунги кунда педагогик технологияларнинг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбик этиш зарурати туғилди, деган савол пайдо булиши мумкин. Жамиятимизга канчадан-канча билимли кадрларни ва юкори малакали олимларни этиштириб келган педагогика услублари мавжуд-ку, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай колган ва мафкуралаштирилган жойларини узгартириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса булмайдими? - деган мулохазалар хам юк эмас. Узбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилигининг аксарияти, айнан мана шу юлдан бормоқда. Бу юл иложсизликдан излаб топилган булиб, киска муддат хизмат килиши мумкин. Мустақилликни кулга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятга бу юл узок хизмат килолмайди.

Чунки: **биринчидан**, маълум сабабларга кура жаҳон хамжамияти тараккиётидан ортда колиб кетган жамиятимиз тараккий этган мамлакатлар каторидан урин олиши учун ахоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш максадида энг илгор педагогик тадбирлардан фойдаланишининг зарурлиги;

иккинчидан, анъанавий укитиш тизими ёзма ва огзаки сузларга таяниб иш куриши туфайли «Ахборотли укитиш» сифатида тавсифланиб, укитувчи фаолияти биргина укув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб колганлиги;

учинчидан, фан-техника тараккиётининг ута ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин купайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вактнинг чегаралангандиги;

туртинчидан, кишилик жамияти уз тараккиётининг шу кундаги боскичидан назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга булган, аник якунга асосланган техник тафаккурга утиб бораётганлиги;

бешинчидан, ёшларни хаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энгилгор билим бериш усули хисобланган объектив борликка мажму ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб килишидадир.

Педагогик технология юкорида санаб утилган бешта сабабий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир.

Таълим технологияларини ишлаб чикиш ва амалга оширишнинг илмий муаммолари. Таълим технологияларини ишлаб чикиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида маҳсус тадқикотлар олиб боришни кузда тутади.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари педагогика илмининг тадқикот обьекти сифатида, аник фанларни укитиш услуби булибгина колмай, ижтимоий фанларни укитишга хам янгича ёндашув сифатида кайд килиниши лозим.

Жамиятимиз жадаллик билан тараккий этиб, иктиносидий ва сиёсий мавкеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада ва, айникса, таълим-тарбияда депсиниш ва умумий тараккиётдан оркада колиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш юлларидан бири таълим-тарбия жараёнини кабул килинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришdir.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффакият билан кулланиб келаётган педагогик технологияларни урганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан хамда таълим соҳасининг шу кундаги холатидан келиб чиккан холда педагогик технологиясини яратиш лозим.

Технология, деганда, субъект томонидан обьектга курсатилган таъсири натижасида субъектда сифат узгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология хар доим зарурӣ воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, обьектга юналтирилган максадли амалларни муайян кетма-кетлиқда бажаришни кузда тутади.

Ушбу тушунчаларни укув жараёнига кучирадиган булсак, укитувчининг укитиш воситалари ёрдамида укувчиларга муайян шароитларда курсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур булган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ходиса, деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси буйича бундай ижтимоий ходисани педагогик технология деса булади.

Педагогик технология ижтимоий зарурият сифатида. Педагогик технология ижтимоий зарурият булганлигидан даставвал АКШда 70-йилларда фалсафанинг бихивиоризм окими заминида юзага келиб, бошка ривожланган мамлакатларга тез таркалиб кетди.

ХХ асрнинг 90-йиллари бошида Собик Иттифокка аъзо булган давлатлар бирин-кетин мустакил булганидан кейин, хар жихатдан тараккий этган хорижий мамлакатлар, шу жумладан Узбекистон учун хам кенг юл очилди.

Мустакилликка эришган Узбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий-маърифий алокалар урната бошладилар. Натижада юртимизга илгор ва самарали технологиялар кириб кела бошлади. Шулар катори жаҳондаги прогрессив педагогик технология деган тушунчалар хам кириб келди.

Педагогик технологияни укув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДХга кирувчи мамлакатлар ичидан биринчилар каторида таърифлаган В.П.Беспалконинг фикрича, «ПТ - бу уқитувчи маҳоратига боғлик булмаган холда педагогик муваффакиятни кафолатлай оладиган укувчи шахсини шакллантириш жараёни лойихасидир».

Россия олимларидан В.М.Монахов: «ПТ - аввалдан режалашти-рилган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт булган тартибли амаллар тизимиdir», - деган кискача таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни каратади. «ПТ – укув жараёнини технологиялаштириб, унинг кайта тикланувчанлигини хамда педагогик жараён тургунлигини ошириб, бу жараён ижрочисининг субъектив хусусиятларидан уни озод килади», - дейди.

М.В Кларин фикрича, ПТ-укув жараёнига технологик ёндошган холда, олдиндан белгилаб олинган максад курсаткичларидан келиб чикиб укув жараёнини лойихалашдир.

В.П.Беспалконинг узбекистонлик шогирдларидан Нурали Саидахмедов ва Абдурахмон Очиловларнинг фикрича, ПТ - бу уқитувчининг уқитиш воситалари ёрдамида укувчиларга муайян шароитда таъсир курсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.

Узбекистонлик педагог олим Б.Л. Фарберман педагогик технологияга куйидагича таъриф беради: ПТ таълим жараёнига янгича ёндашув булиб, педагогикада ижтимоий-муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт холга солиб, унинг оптимал лойихасини тузиб чикиб билан боғлик ижтимоий ходисадир.

Бу таърифларни узок хорижда берилган таърифлар билан солиштириб куриш учун япон педагог олими Т.Сакомото берган таърифни келтирамиз. «ПТ, - дейди Сакомото, - бу тизимли фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошкacha килиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир мажмууга келтиришдир».

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКО нинг таърифи буйича, «ПТ - бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва

инсон ресурсларини узаро узвий bogлик холда куриб, бутун таълим жараёнини лойихалашда ва амалда куллашда тизимли ёндашув усулидан фойдаланишдир».

Келтирилган таърифларни илмий-фалсафий нуктаи назардан тахлил киладиган булсак, узок хорижда берилган таърифлар билан МДХ мамлакатлари олимларининг берган таърифлари бир-бирига якин келса-да, фарки хам анчалигини курамиз. Жумладан, Сакомото ва ЮНЕСКО таърифларида мажму ёндашув тамойилига алохиди ургу берилган. МДХ олимларининг ПТ га берган таърифларида тизимли ёндашув эслатиб утилгани билан, укув жараёнининг лойихаси тузилаётганда уни мутлак унутиб, тизимли ёндашув тамойилининг конун ва коидаларига сира хам амал килинмаганини курамиз.

Хакикатда эса, объектив борликка тизимли ёндашув тамойилини яхши билган кишига, Сакомото айтганидек, «ПТ - укув жараёнини муайян бир тизимга келтиришдир», деган тушунча кифоя килади. Бу тушунча оркали ПТ нинг бошка хамма хусусиятларини, яъни максадга юналтирилганини, бир неча узаро узвий bogлик булган кисмлардан ташкил топганлигини ва бошкаларни англаб олса булади. Чунки бу хусусиятларнинг хаммаси, тизимлар назариясига биноан, тизим деб ном олган нарса ва ходисаларнинг ажралмас сифатларидир.

Педагогик технологиянинг асосий тушунчаси, сузсиз, укув жараёнига тизим сифатида ёндашишдир. Бунда таълим-тарбияда иштирок этувчи барча нарса ва ходисалар узаро функционал bogликликда булиб, бир бутунликни, яъни педагогик жараён тизимини ташкил килади. Педагогик жараён тизимининг муайян бир вакт мобайнида боскичма-боскич амалга оширилиши педагогик технология дейилади (4-расмга каранг).

Педагогик технологиянинг афзалликлари. Педагогик технологиянинг аввалги услублардан афзаллиги, биринчидан, у таълим жараёнини бир бутунликда куриб, таълим максади, унинг мазмуни, билим бериш усуллари ва воситалари таълим боскичларини лойихалаб, таълим жараёнини назорат килиш ва таълим натижаларини баҳолаш каби кисмларини узаро узвий bogлик тизимга келтириб туриб, унинг лойихасини тузишидадир.

Иккинчидан у талабаларнинг узларига берилган билимни ёдлаб олиб айтиб беришига эмас, балки таълим ва тарбия жараёнининг якунида амалий ишларни бажарилишига юналтирилганлигидадир.

Илмий асосланиб, яхши лойихалаштирилган педагогик технология буйича хар кандай укитувчи хам, аъло булмаса-да, яхши дарс утади. Чунки педагогик технологияни педагог олим, методист ёки илгор тажрибали укитувчилар тузади, шу боис уларнинг педагогик маҳорати педагогик жараён лойихасида уз ифодасини топган булади.

ПТ-бу жамият эхтиёжидан келиб чикиб, олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аник максадга юналтирилган укув жараёнини тизим сифатида куриб, уни ташкил килувчи кисмлари булган укитувчи (педагог)нинг укитиш воситалари ёрдамида укувчи (талаба)ларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда курсатган

таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир.

Технологик ёндашув ишлаб чикишдан олинган булиб, унда минглаб технологик жараёнлар лойихалаштирилган. Улар ишлаб чикишда керакли натижаларга эришиш гарови хисобланади. Бу технологияларни куллаш вактида худуд ва уларнинг ижроиси узгарса хам, керакли маҳсулот чикаверади. Таълим-тарбия жараёнида хам шунга эришиш учун педагогик технология ишлаб чикилди.

Педагогик технология, умуман олганда, репродуктив (нусха олиш) дарс беришга асосланган булиб, ундаги укув жараёни укувчи (талаба)ларга типик холатлардаги харакатларни эгаллашга юналтирилган.

Педагогик технологиянинг узига хос хусусияти шундан иборатки, унда укув максадларига эришишни кафолатлайдиган укув жараёни лойихалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирилар эмас, балки лойихалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий курсатмали тузилмада уз ифодасини топади.

Педагогик технологияни тушуниш учун асосий юли аник белгиланган максадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам узаро алокани урнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси хисобланган таълим олувчининг хатти-харакати оркали уқитишдир. Узаро аюла педагогик технология асосини ташкил килиб, укув жараёнини тулик камраб олиши керак.

Демак, анъанавий укув жараёнида асосий омил педагог (ва унинг фаолияти) хисобланса, педагогик технологияда биринчи уринда укиш жараёнидаги укувчиларнинг фаоллиги куйилади.

Педагогик технологиядаги репродуктив билим бериш жараёнида дарс аник булакларга булиниб, хар бир булагида укувчи (талаба) лар билиши шарт булган натижалар курсатилади. Укув материаллар дарс максадидан келиб чикиб, модулларга булинган булади. Хар кайси модулга тест саволлари тузилади. Укув жараёни аник саволларга конкрет жавоблар топишга курилган булиб, саволлар ва жавоблар узаро узвий боғликларда булиши натижасида бир бутунликни, яъни тизимини ташкил килади.

Педагогик технология тамойиллари. Педагогик технологияни яратиш тамойилларининг биринчиси – муайян дарс, мавзу, кисм, укув предметидан кутилган асосий максадни шакллантириб олиш; иккинчиси – умумий максаддан келиб чикиб, дарсни ёки укув предметини модулларга ажратиб, хар бир модулдан кутилган максадни ва модуллар ичida хал килиниши лозим булган масалалар тизимини аниклаб олиш; учинчиси - модуль ичida эчиладиган масалаларнинг хар бири буйича тест саволларини тузиб чикиш; туртинчиси – максадлар аник булиб, тест саволлари тузилгандан кейин, максадларга эришиш усувлари танланиб, уларни ишлатадиган аник жойларни белгилаб олиш.

Таълим жараёнига технологик ёндашув пайтида, аввал айтиб утганимиздек, тизимли ёндашув тамойилига биноан дарс кисмлари орасидаги зарурий боғликларга ва фанлар аро алокаларга алоҳида

эътибор қаратилади. Бу педагогик технологиянинг бешинчи тамойили хисобланади.

Назорат саволлари:

1. Технология тушунчаси дастлаб кайси соҳада кулланилган?
2. Педагогик технология тушунчасининг мазмун-моҳияти нимани англатади?
3. Таълим технологияларини ишлаб чикиш ва амалга оширишнинг илмий муаммолари нималардан иборат?
4. Педагогик технологиянинг ижтимоий зарурият сифатида белгиланишига сабаб нима?
5. Педагогик технологиянинг афзаликлари нималардан иборат?
6. Педагогик технология тамойилларини белгиланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. MarciaJ. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with desabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover
2. S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013Ratha Mohan
3. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic
4. Ш.Мамаражабов, Ж.Халмуратова “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т.2015 й.
5. В.Сатторов, Х.Гатаев “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т.2015 й.

3- АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:

Махсус фанларини ўқитишнинг тарбиявий хусусиятлари

Ҳар қандай фанни ўрганишда турли методлар қўлланилади. Бунинг сабаби, биринчидан, дарс ўтишда турли услубларни қўллаш уни қизиқарли бўлишига, талабаларни диққатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришга қаратилади. Бир хил методда дарс ўтилавериши талабаларни зериктиради. Психологлар тадқиқотларига кўра ҳар қандай моҳир ўқитувчи ҳам бир хил методни қўллаб дарс берар экан, айтайлик, маъруза ўқир экан, талабалар дастлаб 20 минут, сўнгра дарсни тугашидан олдин 20 дақиқалик маъruzani диққат билан эшитар, колган пайтда хаёлга берилиб кетар экан. Иккинчидан, талабаларнинг дарсни ўзлаштириш, билимни қабул қилиш қобилияtlари ҳар хил бўлиб, турли услубларни қўллашгина ўтилаётган мавзуни талабалар томонидан нисбатан тўлик ўзлаштиришга олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, билимни ўзлаштириш жараёнида мавзуни тезроқ англашга бир хил талабаларга бир услугуб ёрдам берса, иккинчиларига бошқа услугуб ёрдам беради.

Учинчидан, дарс ўтиш методлари талабаларни фикрлаш доирасини шакллантиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, барча педагоглар талабаларга билим беришнинг энг самарали ёъли, дарс ўтишга турли методларни қўллаш зарур деган фикр тарафдори бўлиб, айнан қайси метод қайси категориядаги талабалар учун қўлланилиши маъқуллиги бўйича эса ягона қолип ёъқ, Жаҳон педагогикаси тажрибаси шуни кўрсатадики,

таҳлилий фикр юритадиган талабалардангина муваффақият билан ишловчи бизнесменлар, сиёсий лидерлар(сардорлар), фан арбоблари этишиб чиқади. Таҳлилий фикрлаш мустақил фикрлашдир. Ҳар бир кишининг фикр юритиши индивидуал характерга эга бўлиб, бошқаларнидан ажralиб туради. Ахборот эса таҳлилий фикрлашнинг бошланғич нуқтасидир.

Ғарб олимлари томонидан чоп этилган услубий ёқтиришади. Масалан, маъруза эшитиш, китоб ўқиши, адабиётларни конспект қилиши, назорат иши, реферат, доклад ёзиш кабилар.

Экстраверт гуруҳидаги талабалар ўқитишининг фаол турларини, бошқалар билан ҳамкорликда бажариладиган услубларни ёқтиришади. Масалан, кичик гуруҳларда ишлаш, моделлаштирилган ўйинлар ўтказиша қатнашиш кабилар.

2. Инсонда олган ахборотни қайта ишлаш қобилияти ҳам турлича. Талабалар билим олиш, олган ахборотларини ёдда сақлаш, тушуниш ва қўллашда ҳам бирбиридан фарқ қиласидар. Баъзи талабалар учун вербал (сўзда ифодаланган) ахборот, масалан, маъруза эшитиш ёки радио орқали тинглаш этарли. Бошқалари учун эса визуал (кўриш) ахбороти муҳим. Улар кўргазмали куроллар: жадвал, схема, график. диаграмма кабилар орқали мавзунинг мазмунига тез тушунишади.

Учинчи гуруҳ талабалар учун кинестетик (ЎЗИ қатнашувчи) ахборот фойдали. Улар ўқитишининг актив услублари, моделлаштирилган ўйинларда рол ўйнаш орқали ахборотни яхши ўзлаштирадилар.

3. Талабалар кўп нарсаларни бир бирларидан ўрганишади. Шунинг учун талабаларни бирбирларига таъсир кўрсатиш, ҳамкорлик қилишга асосланган дарс ўтиш методлари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, баъзилар мустақил, биринчи бўлишга интилиши билан ажralиб туради. Улар алоҳида ўқишини маъқул кўради. Уларга дебат, мунозара олиб бориш, конкурсларга қатнашиш ёқади. Бошқалар ёлғизлиқдан кўра ҳамкорликда ўқишига мойил. Улар учун кооперациялашган ўқитиши услубларини қўллаган маъқул. Баъзи талабалар аниқ фактлар, маълумотларни тезроқ қабул қиласидар. Бошқалари назарий математик моделларни ёқтиради. Баъзи талабалар кўргазмали расмлар, диаграммалар орқали, бошқалари мунозара қилганда, учинчилари эса амалиётда ўзи бажаришда қатнашса яхшироқ, пухтароқ ўрганади. Умуман олганда, таълимтарбиянинг методлари қотиб қолган эмас. Вақт ўтиши билан улар ўзгаради. Талабаларни билим олиши ва олган ахборотини қайта ишлаши учун турлитуман методларни ўйлаб топиб, қўллаш мумкин. Айниқса, ҳозирги пайтда муваффақиятли фаолият юритиши учун жуда кўп соҳаларга билишнинг турли усулларини қўллаш ва билим беришда мослашувчанлик, рангбаранг педагогик методлар қўллаш талаб этилади.

Ўқитувчиларни дарс жараёнида турли услубларни, ўқув топширикларини қўллаб, талабаларда билим олишга иштиёқ уйготишлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг қобилиятини, уларни индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда турли методларни қўллаш, албатта, ўзлаштириш натижасини кўтаради.

Тажриба шуни күрсатадыки, талабаталабаларни баркамол, чуқур билим эгаси, мустақил фикрлайдиган инсон бўлиб шакланиши фақат индивидуал хусусиятларига боғлиқ эмас. Тъсири күрсатадиган яна бир муҳим омил, таълим бериш жараёнини ташкил этишдир.

Таълим бериш жараёнини ташкил этишда эса ўқитиш шакллари ва методлари асосий рол ўйнайди. Айниқса, таълим методларини танлаш катта аҳамиятга эга. Ўқув методларини танлашда эса унинг самарадорлигини эътиборга олиш зарур.

Педагог олимларнинг тадқиқотлари бўйича ўқитиш жараённида берилган ахборотни эслаб қолиш қўлланилган методларга кўра қўйидагича кўринишда акс этар экан (80бет).

Биз маъруза, доклад эшитар эканмиз унинг 5 фоизини, ўқиган материалларимизни 10 фоизи, видео, расм, қўргазмаларни қўрганимизни 20 фоизини, тажрибани намойиш қилинганида кўрган ва эшитганларимизни 30 фоизини, мунозарага киришсак, бирга муҳокама қилганимизни 40 фоизини, машқ эчар эканмиз, ўқиган, ёзган, гапирганларимизнинг 50 фоизини эслаб қолар эканмиз.

Ишбилармон ўйин, лойиҳа методи, мустақил ўқиганларимиз, таҳлил қилганларимизни муҳокама қилиш самарали метод экан. Бунинг натижасида талабалар онгода маълумотнинг 75 фоизи сақланиб қолар экан. Лекин, ўқувамалий машғулотлар жараённида талабаларнинг бирбиirlарига ўргатишлари ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади, бунда 90 фоиз маълумот ўзлаштирилади.

Инсоннинг эсда сақлаш хотираси – биокомпьютердир. Одатда, олинган ахборотнинг жуда кўпи қисқа муддат ёдимизда сақланади.

Ўқитиш «пирамида»

АХБОРОТНИ ЭСЛАБ ҚОЛИШ

1. Маъруза, доклад. Эшитганимизнинг 5 фоизи;
2. Ўқиши. Ўқиганимизнинг 10 фоизи;
3. Видео, расм, қўргазмаларни кўриш. Кўрганимизнинг 20 фоизи;
4. Тажрибани намойиш қилиш. Кўрган ва эшитганимизнинг 30 фоизи;
5. Мунозара. Бирга муҳокама қилганимизнинг 40%;
6. Машқ. Ўқиган, ёзган, гапирганларимизнинг 50%;
7. Ишбилармон ўйини, лойиҳа усули. Мустақил ўқиганларимизнинг, таҳлил қилганларимизнинг, муҳокама, ҳимоя ва ёзганларимизнинг, намойиш қилганларимизнинг 75 фоизи;

8. Бошқаларни ўқитиш. Бошқаларни ўқитган нарсаларимизни 90 фоизи.

Бошқа янги ахборотни қабул қиласиган эканмиз, аввалги ахборот хотирадан кўтарилиб кетади.

Ахборотлар ниҳоятда хилмажил бўлиб, инсон ҳар куни ўз ҳаётида қабул қиласиган ахборотлар

миқдори турлича бўлиб, хотирада сақланиб қолиш жиҳатидан бирбиридан фарқ қиласиди.

Психологларнинг фикрича, ахборотни хотирада узоқ сақланиб қолиши учун, у гүёки

миянгизда фильтрдан ўтиши, сараланиши, гүёки хотира қурилмасига ўтказилиши керак экан.

Ахборот сараланиб, охироқибат у ёки бу томони билан ажралиб турадиганларигина хотирага ўтар

екан.

Узоқ муддат хотирада қоладиган ахборотларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- Нихоятда қизиқарлилиги, жўшқинлиги ва бошқа шу каби хусусиятлари билан ажралиб турувчи ахборотлар;
- Тасаввур, ҳистуйғу ва шу каби бирбирини эслатадиган боғланишдаги ахборотлар;
- Инсон томонидан тушуниб, моҳиятига этилган ахборотлар;
- Фаоллик билан қабул қилинган ўрганилган, масалан, такрорланиб турадиган ахборотлар.

Билимни ўзлаштириш билан бир қаторда уни ёдда сақлаш, ундан фойдаланиш, такрорлаб

туриш муҳим аҳамиятга эга. Олинган билимдан фойдаланилмаса, такрорлаб турilmаса хотирадан қўтарилади.

Демак, талабалар энг аввало ўқув материалини ўзлаштириши, ёдда қолиш учун

олинадиган ахборотни иложи борича эшитиш ва кўриш орқалигина эмас, балки ўзи гапириши, ўз

фаолиятида синаб кўриши орқали этказиши катта аҳамиятга эга экан.

Бунга дарс ўтишда турли туман методларни қўллаш орқали эришиш мумкин.

Умуман олганда, ўқитувчиларнинг дарс жараёнида турли методларни, ўқув топшириқларини

қўллаб, ўз талабаларида билим олишга иштиёқ уйғотишлари нихоятда муҳим аҳамиятга эга.

Педагогларнинг муҳим вазифаси, мақсади айнан турли методлар орқали талабаларни билим, рот олишни турли шаклларига тезда мослашишга, ўз дунёқарашини кенгайтириш учун ҳаракат қилишга талабаларни қизиқтириш ва уни амалга оширишdir. Айниқса, хозирги пайтда муваффақиятли фаолият юритиш учун жуда кўп соҳаларга, билишнинг турли методларини қўллаш ва билим беришда мослашувчанлик, рангбаранг педагогик усувлар кўллаш талаб этилади.

Интерактив методларни қўллаш ва ўқув жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар. амлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, технологик ўзгаришлар, ислоҳотлар таълим стандартларини ўзгартиришга, янги фан, ўқув курсларини киритишнигина эмас, балки дарс ўтиш методларини ҳам ўзгартиришни, талабаларни дарсга қизиқиб, фаол

қатнашишларини таъминлайдиган методларни қўллаш эҳтиёжларини келтириб чиқарди.

Шунинг учун жаҳон педагогикасида асосий эътибор талабаларда ана шу хислатларни ҳосил қилишга қаратилди. Тажриба талабаларда айнан ана шу хислатлар, кўникмаларни ҳосил қилишда дарс беришнинг интерактив методларини қўллаш ижобий натижа беришини кўрсатди. Бу услублар дарс ўтишни диалог тарзда амалга оширишга, айниқса, талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлашга қаратилган.

Ҳар қандай фандан дарс ўтишда турли методларни, айниқса, интерактив методларни қўллаш зарурияти яна шунда ифодаланадики, биринчидан, бундай методларни қўллаш дарсни қизиқарли ўтиш ва талабаларни дарсга фаол қатнашишларини, иккинчидан, уларнинг дикқатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришга қаратишларини таъминлайди.

Дарс ўтишда қўлланиладиган методларни шартли равища: анъанавий дарс ўтиш услублари ҳамда талабалар фаоллигини оширувчи интерактив методларга ажратиш мумкин.

Анъанавий дарс ўтишда дарснинг асосий мақсади кўпроқ тушунтиришга қаратилган бўлиб, ўқитувчи билим берувчи, талабаталаба билим оловчи ролини бажаради. Уларни ўрганилаётган мавзуни қай даражада ўзлаштирганларини назорат қилиш жараёнида билдирган фикрларига қараб аниқланади.

Педагоглар, педагоголимлар дарс жараёнида талаба, талабалар ўртасида ҳамда улар билан ўқитувчи орасида юқори даражада ҳамкорлик ўрнатилса, уни интерактив ҳисоблашади.

Одатда бундай ҳамкорлик у ёки бу муаммони эчиш ёълларини фикрлашиб топишида, қабул қилинган қарорни қай даражада қўлласа бўлишини муҳокама қилишда ўрнатилади. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, муҳокама жараёни уни жавобларидан ҳам муҳимроқ. Таълим интерактив методларининг мақсади билим бериш эмас, балки талаба, талабаларда мустақил равища ўқиш, изланиш, саволларга жавоб топиш, қарор қабул қилиш қўникмасини шакллантиришdir.

Дарс ўтишнинг талабалар фаоллигини оширувчи интерактив методлари айрим адабиётларда ноанъанавий дарс ўтиш методлари деб ҳам таърифланади. Бу методлардан авваллари ҳам фойдаланилган, лекин камроқ эътибор берилган. Ҳозирги пайтда бутун дунёда фаол интерактив методларни қўллашни дарс ўтишнинг самарали методи сифатида тан олиниб, кенг қўлланилмоқда.

Интерактив методика ўзаро ҳамкорликнинг ниҳоятда кўп усул ва турларини қамраб олади. Лекин методик усул қандай бўлишидан қатъий назар, талаба талабаларнинг тажрибалари асосий таълим манбай ҳисобланади. Ҳамкорлик асосида амалга оширилаётган методларнинг асосий хусусияти шундаки, унда талаба, талаба ўзи учун ниманидир кашф қиласди.

Интерактив методлар «ўқишига ва уқишига» ўргатади. У талабаталабаларнинг ниҳоятда катта интеллектуал потенциалидан фойдаланиш имконини беради, уларни ўқув жараёнида фаол

қатнашишларини таъминлайди. Ўқув жараёнида нафақат ҳамкорлик, балки мусобақа, беллашув элементларини ҳам кўллаш имконини беради.

Интерактив методлар талабаларни ўз фикрини ифодалаши учун кенг имконият яратиб берибгина қолмай, ўртоқларининг фикри, асослари, далилларини тинглаб, ўз фикридан қайтиши ёки фикрини тамомила ўзгартириши мумкин. Интерактив методлар бошқаларнинг фикрига ҳурмат билан қарашга, уни сабртоқат билан эшлишишга ҳам ўргатади. Аудиторияда ҳамкорлик муҳитини яратишнинг реал имкониятини яратади.

Ўқитувчи яхши дарс беришнинг тайёр рецептига эмас, балки интерактив методларга асосланган таълим технологиясига эга бўлиши керак. У ижодий ҳамкорликда ишлашга ва масъулиятли қарорлар қабул қилиш учун тайёр туришга ўргатади.

Таълимнинг интерактив методлари педагогларда:

- дарсда ўрганилаётган мавзуга қизиқиш уйғотишини таъминлайди;
- ўқув материалини пухта ўзлаштириш имконини беради;
- талаба, талабанинг таҳлилий фикрлашини ривожлантиради;
- барча талаба, талабаларни ўқув жараёнига тортиш, фаоллигини ошириш учун шароит яратади;
- групда кўнгилдагидек ижобий психологик иқлим, муҳит яратади.

Дарс ўтиш методлари турлича бўлиб, улардан айримлари қуидагилар: Тўғридантўғри баён қилиш услуби. Бу модель (услуб)да янги тушунчалар, навбатманавбат, астасекинлик билан, мантиқий изчилликда бериб борилади. Бу услугуб кўпроқ маъруза ўқигандага қўлланилади. Гуруҳларда жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлинниб ишлаш. Бу услугуда жуфтлик ёки кичик гуруҳ билан биргаликда кўйилган у ёки бу масалани, маълум белгиланган вақт ичida ўзаро фикр алмашиш, мулоқот қилиш орқали эчиш кўзда тутилади. Интервью – бир ёки бир неча кишилардан ахборот олиш учун аниқ мақсадга қаратилган сўров (саволжавоб) ўтказилади.

Дарсни аниқ ёъналтирилган (мўлжалланган) саволлар асосида олиб бориш. Бу услугуда мавзу бўйича аниқ ёъналтирилган саволлар билан мавзу муҳокама қилинади. Ўқитувчи саволжавоб, сухбатни бошқариб туради. Моделлаштирувчи амалий ўйинлар ва машқлар. Бу услугуда талабалар қатнашади. Моделлаштиришда абстракт услублардан фойдаланиб, реал воқеликка иложи борича яқинлаштирилади. Бу услугуб осон тушунадиган талабаларга қўл келади. Моделлаштирувчи ўйинда талабалар ўзлари белгиланган ролларни бажарадилар. Ўз хаттиҳаракатлари орқали зарур малака ва қўникмаларни эгаллашади.

Реферат – баҳолаш нуқтаи назаридан нейтрал позицияда турган ҳолда мавзу бўйича оғзаки ахборот бўлиб, у аниқ объектив, структура, китоб ёки рисоланинг мазмунини қисқача баён қилиш ёки бирон мавзу, асар бўйича қисқача доклад тарзида тайёрланиши мумкин.

Доклад ёки қисқача доклад мавзу ёки муаммони тартибга солинган ҳолда таништириш ёки баҳолаш тарзида баён қилинади.

Масала ёки машқ эчиш. Ўтилганларни назарий жиҳатдан ёдга тушириб, берилган топшириқни бажариш. Назарий билимни мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларга эга бўлишга қаратилади.

Тадқиқот методи. Бу методда бирон муаммо ёки гипотеза қўйилиб, гурух биргаликда тадқиқот ўтказади, мантиқий хулоса чиқарилади, уни илгари сурилган гипотеза билан таққослайди.

«Ақлий штурм» методи муайян муаммо эчиш учун талабалар ўртасига қўйилади. Унда ҳар бир гурух ёки алоҳида талабалар томонидан фикр ва мулоҳазалар билдирилади. Улар солиштирилади ва хулоса чиқарилади.

Конкурс(танлов)лар ўтказиш. Маълум бир мавзу ёки муаммо бўйича талабалар олган илимларини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади. Дарс ўтишда бошқа қатор методлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўқитувчи мавзунинг мазмуни, гуруҳнинг тайёргарлигига қараб, қўллаши мумкин. Дарс бериш жараёнида турли методларни қўллашни ҳозирги пайтда кенг тарғиб қилинаётганига қарамай ҳали кутилган натижага эришилгани ёъқ. Бунинг қатор сабаблари қўйидагича:

- дарс жараёнини турли методлар асосида ташкил этиш, методларни қандай қўллаш бўйича методик қўлланмаларнинг ёъқлиги;
- интерактив методларни қўллаш бўйича ўтказиладиган дарсларга тайёргарликнинг кўп вақт ва маблағ талаб қилиши;
- интерактив методларни кенг қўллаш учун барча олий ва ўрта маҳсус ўқув юргларида моддий базанинг этарли эмаслиги;
- интерактив методларни кенг қўллаб, дарс ўтиш ўқитувчидан чукур билим ва маҳорат талаб қилиши;
- барча ўқитувчиларни бунга бирдай жалб қилишнинг қийинлиги ва ҳоказолар.

Бундан ташқари, ўқув жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар ва камчиликлар ҳам турли методларни қўллаб, дарс ўтишга тўсқинлик қиласди.

Ўқиши жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар:

- а) бутун ўқув жараёнини ташкил қилишга тегишли;
- б) ўқув материалининг маълум бир қисмига тегишли бўлиши мумкин.

Камчиликлар эса:

- 1) умумий характерга эга бўлган;
- 2) ўқув жараёнидаги индивидуал тўсиқлар;
- 3) гуруҳ туфайли келиб чиққан қийинчилик;
- 4) дарс жараёнини ташкил қилишдаги қийинчиликлар туфайли келиб чиққан тўсиқлар.

Дарсни ташкил қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар шовқин, дарс пайтидаги танаффус, дарсни бошқалар томонидан бузилиши туфайли келиб чиқиши мумкин.

Дарс жараёнида қўлланиши керак бўлган техник воситалар, дарслик, зарур ўқув куроллари этишмаслиги кабилалар ҳам қийинчиликлар туғдиради.

Ўқитувчининг ЎЗ фанини пухта билмаслиги, фанга доир янгиликлардан хабардор эмаслиги, ўзини бирорбир айби бор ёки бирор нарса этишмаётгандай тутиши ҳам дарс ўтишда қийинчилик туғдиради.

Талабаларнинг дарсда ўзини тута билмаслиги, ўзаро рақобатлашуви, ҳам дарс ўтказишга тўсиқ бўлиши мумкин.

Дидактик характердаги камчиликлар:

- ўқитувчининг ҳукмронлик ролини ўйнаши;
- ўқитувчининг ўзини тута билмаслиги;
- ўқитувчидаги сабртоқатнинг этишмаслиги;
- хушмуомалалик, хушфөълликнинг этишмаслиги;
- ёрдам беришга тайёр туришдаги камчилиги;
- хайрихоҳ эмаслиги, талабаларни кўркўона сўзсиз бўйсунишга мажбур қилиши кабилардан иборат.

Дарс ўтишда юз берадиган турли камчиликлар натижасида талабаларнинг ўқишидан кўнгли совиди. Бу индивидуал, руҳий ва интеллектуал қобилияти даражасига нисбатан ўзлаштириш даражасини тушиб кетишида ифодаланади.

Ўқув жараёнида тўсқинликлар юз берганми ёъқлигини қўйидаги мезонлар бўйича аниқлаш мумкин:

ўзлаштириш кўрсаткичининг пасайиши;
дарсга қатнашиш даражасининг пасайиши;
материални ўзлаштириш учун ажратилган вақтда улгурмаслик.

Демак, дарс жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи иложи борича ана шу камчиликлар юз бермаслигининг олдини олишга ҳаракат қилиши керак. Дарсда педагог интерактив методларни қўллаши учун шахсий тажриба талаб қилинади. Интерактив метод ва уларни қўллаш ҳақида кўплаб ўқув, услубий адабиётларни ўқиш мумкин. Лекин уларни қўллаш малакасига эса бевосита ана шу жараёнда ўзи қатнашибгина эга бўлиши, кўникма ҳосил қилиши мумкин.

Дарс ўтиш методларини танлаш мезонлари. Ўқитувчи дарсни режалаштирар экан, албатта, уни қандай метод асосида ўтказиш ҳақида бош қотиради. Юзаки қараганда, ҳар бир мавзуни хоҳлаган методни қўллаб ўтказаверса бўлади, лекин амалда бунинг иложи ёъқ. Бунга қатор объектив ва субъектив сабаблар, мавжуд шароит салбий таъсир кўрсатади.

Психология, педагогика бўйича ўқув ва илмий адабиётларда дарс ўтиш методини танлашга таъсир қилувчи жуда кўп омиллар кўрсатилади. (И боб, З§ га қаранг) «Методика преподавания экономических дисциплин» китоби муаллифларининг фикрича таълим методини танлаш ёки аниқлашнинг олтига умумий шартшароитларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Булар;

1. Ўқитишининг қонуниятлари ва тамойиллари;
2. Фаннинг мазмуни ва ўрганиш методи, жумладан, унинг предмети ва мавзулари;
3. Ўқитишининг мақсади ва вазифалари;
4. Талабаларнинг ўқув имкониятлари (ёши, тайёргарлик даражаси, гурухнинг хусусиятлари);
5. Ташки шароитлар (географик, ишлаб чиқариш, атрофмухит);
6. Ўқитувчиларнинг имкониятлари.

Турлитуман омилларнинг дарс ўтиш методини танлашдаги ўринларини иэрархик тарзда жойлаштирадиган бўлсак, кўпчилик психологлар ва педагог олимларнинг фикрича, биринчи ўринда таълимнинг мақсади туради. Айнан дарс ўтиш мақсадида биз нимага эришишимиз лозимлиги ифодаланади, эришишимиз зарур бўлган натижа белгиланади. Иккинчи ўринда таълимнинг мотивация даражаси туради.

Мотивация – бу биологик жиҳатдан инсоннинг ирсий ва тўпланган тажрибаси асосида индивидуал ва гурухий равишда эҳтиёжларини қондиришга ёъналтирилган, ундейдиган туйғу. Инсонни ўқишига ўрганишга ҳам ана шу туйғу ундейди. Ўқитувчи дарс ўтиш методини танлар экан, албатта, талаба, талабалардаги мотивация даражасига эътибор бериш керак. Дарс ўтиш методини танлагандага таълим қонуниятлари ва

- таълим мазмунини ўзлаштириш суръати ва пухталиги, ўқитувчи томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ўкув фаолиятига, талаба, талабаларни билишга бўлган қизиқишини таъминлаш;
- уларнинг ҳар томонлама ривожланиши, камол топиши учун ўзлаштириши мумкин бўлган ўкув жараёнига қай даражада жалб қилиниши;
- ўзлаштирилган ўкув материали мазмунининг пухталигини таъминлашчда мавзуни тўлиқ ёки қисман такрорлаш.

Ўкув жараёнида талабалар билим қонуниятларидан қандай фойдаланишлари дидактик принципларга амал қилиш билан боғлиқдир.

Албатта, дарс ўтиш методларини танлаётганимизда фанни ўрганишга қўйилган талаблар ва фаннинг мазмунига алоҳида аҳамият бериш лозим. Бир фанни ўзлаштиришда яхши натижа берган метод бошқа фанга талабаларни чуқур ўзлаштиришлари учун яхши ёрдам бермаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам дарс ўтиш методларини танлагандага, албатта, фаннинг хусусиятларига алоҳида диққат қаратиш лозим. Фанни ўрганишда ўкув материалининг мураккаблиги ва миқдори ҳам муҳим рол ўйнайди. Демак, дарс ўтиш методини танлашда фаннинг бу жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, олий ўкув юртларида ишлаб чиқариш назарияси, академик лицей, касбхунар колледжларида ишлаб чиқариш асослари фанини ўрганишда абстракт тафаккур ниҳоятда катта рол ўйнайди.

Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, солиқ ва бошқа шу каби фанларда амалий методлар фанни ўрганишга катта ёрдам беради. Демак, методларни мувофиқ равищда танлаш лозим.

Дарс ўтишда қандай методни танлаш ўрганилаётган фанга, унинг хусусиятларига, ўрганиладиган мавзуларга боғлиқ. Масалан, статистика фанида технологик кўрсаткичларни ҳисоблаш асосий рол ўйнаса, бухгалтерия ҳисоби фанида эса ҳужжатлаштиришга асосий диққат қаратилади. Бир мавзунинг мазмуни мунозарада чуқур ўзлаштирилса, иккинчисиники, масаламашқ эчишда кўпроқ тушунарли бўлади. Дарс жарёнини қандай метод асосида ташкил этишда талаба талабаларнинг ўртача билим даражаси ҳам муҳим рол ўйнайди.

Гурухда талабаларнинг билим даражаси юқори бўлса, мувофиқ равищда ижодий изланишга ундейдиган методларни қўллаш зарур. Бу уларни янада

кўпроқ ўқишига, изланишга олиб келади. Билим даражаси паст бўлса, уларга фаннинг мазмунини ўзлаштиришига ёрдам берувчи методларни танлаган маъқул. Дарс ўтиш қийин бўлган гуруҳ талабаларнинг билим даражаси бирбиридан кескин фарқ қиласидиган гуруҳдир. Шунинг учун бундай гуруҳларда билимдонлар бошқаларга ёрдам беришига эришишга, фанни ўзлаштиришига кўмаклашадиган методларни кўпроқ танлашга тўғри келади.

Ўқитувчи дарс методини танлар экан талабаларнинг фаоллиги, қизиқишини ҳам ҳисобга олиши зарур. Талабаларнинг қизиқиши паст гуруҳларда уларнинг фаоллигини оширувчи, фанни ўрганишга қизиқиши ўйғотувчи методларни қўллаш зарур. Бунда моделлаштирувчи ўйин турли қизиқарли машқлар, конкурслар ўтказиш, талабаларга индивидуал топшириклар бериш, айтайлик, бирон технологик кўрсаткичларни ўзгаришидан қандай хулоса чиқиши борасидаги фикрлашлар билан кечади.

Талабаларнинг фаоллиги юқори гуруҳларда уларни ўз устида мустақил ишлашларини таъминловчи, эришган даражада қотиб қолмай, янада кўпроқ билишга ундовчи методларни қўллаш муҳим.

Дарс ўтиш методини танлашда таълим бериш муддатини ҳам ҳисобга олиш зарур. Маълумки, вақт инсон учун энг чекланган ресурс. Шунинг учун талабаларни доимо вақтдан унумли фойдаланишга ўргатиш зарур. Фанни ўрганишга умумий қанча вақт берилгани, шулардан мавзуларга қанча вақт ажратилганига қараб, дарс ўтиш зарур. Шубҳасиз, дарс ўтиш методларини танлашда моддийтехник база, ўқитишининг ташкилий шарт шароитлари ҳам муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир мавзуга ажратилган вақтдан келиб чиқиб, мақсадга эришиш учун ўрганилиши зарур бўлган асосий саволларга кўпроқ вақт ажратиши, шунга мувофиқ дарс ўтиш методини танлаш ва уни ўтказиши режалаштириши зарур.

Дарс ўтиш методини танлашга таъсир этадиган яна бир омил дарснинг шакли ва таркибидир. Албатта, назарий дарсда танланган методни амалий, дарсда ҳам қўллаш кутилган натижани бермайди. Ўқитиши методини танлашда гуруҳдаги талабалар сони ҳам катта рол ўйнайди. Кичик гуруҳларда муваффақият билан қўлланилган методлар катта гуруҳларда кутилган натижани бермаслиги мумкин, ёки умуман қўллаш қийин бўлади.

Дарс жараёнида қўлланиладиган методни танлашда ўқитувчи билан талабалар ўртасида ўқув жараёнида шаклланадиган муносабатларда ўзаро ҳамкорликка диққат қаратилса, бошқаларида авторитарлик устун. Дарс ўтиши методини танлашда энг муҳим омил бу ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги даражасидир. Чунки қайси методни қўллаш, қандай қилиб дарс ўтиш, дарснинг мазмуни талабалар онгига этказиш ўқитувчига, унинг билими, салоҳияти, касбий кўнимаси, маҳоратига боғлик.

Юзаки қараганда дарс ўтиш методини танлаш мураккаб эмас. Уларни қандай қўллаш учун ўқитувчида тажриба бор. Улардан бирортасини танласа бўлди, дея фикр юритамиз. Лекин кўриб ўтганимиздек, дарс жараёнини ташкил этишига кўплаб омиллар таъсир қиласиди. Бундан ташқари реал жараёнга кутилмаган ҳолатлар, сабаблар таъсир қилиши мумкинки, уни аввалдан кўриб, ҳисобга олиб бўлмайди. Дарс ўтишда самарали методларни

қўллаш деганда, мавжуд турлитуман методларни орасидан қабул қилинган мезонлар бўйича мавжуд шароитда энг юқори натижага эришиладиган методларни қўллаш тушунилади. Улар ҳар бир фан, мавзу, савол, гурух учун турлитуман бўлиши мумкин. Дарс ўтиш методларини танлашда янги мавзуни, материални ўрганилиши, уни мустаҳкамлаш, мавзуни умумлаштириш ва дарс жараёни босқичлари ҳам катта рол ўйнайди.

Махсус фанларни масофадан ўқитиш методини қўллашнинг объектив асослари, афзалликлари ва муаммолари. Тараққиёт туфайли ҳаётимизга компьютер, интернетнинг кириб келиши, ўқиш, ўрганишнинг муҳим методи сифатида масофадан ўқитишни шаклланишига, ривожланиб боришига олиб келди.

Ёшларнинг чукур билим, малака, кўникмага эга бўлишга эҳтиёжларини қондириши мумкин бўлган юқори малакали профессорўқитувчилар билан таъминланган билим масканларининг марказда ва йирик шаҳарларда жойлашгани масофадан ўқитиш тадбирларининг вужудга келишига туртки берди.

Ҳаётда шундай категориядаги кишилар борки, улар ўз билимларини оширишга. Тинмай изланишига эҳтиёж сезадилар. Лекин уни амалга ошириш учун анъанавий таълим тизими хизматларидан фойдаланишига имкониятлари ёъқ. Улар учун энг қулайи ўз хизмат вазифаларини бажарган ҳолда малакаларини оширишдир. Бундай эҳтиёжни масофадан ўқитиш ёрдамида қондириш мумкин.

Масофадан ўқитишни қулайлиги шундаки, ундан барча аҳоли қатламлари фойдаланиши мумкин. Масофадан (дистансион) ўқитиш талабани мустақил билим олишга асосланган таълим жараёнини янгича ташкил этишдир. Таълим олиш жараёни, муҳити шу билан характеристикади, билим олаётганлар ўқитувчидан вақт ва масофа жиҳатидан ажralган ҳолда, узоқда, лекин телекоммуникация воситалари ёрдамида диалог олиб бориш имкониятига эга бўладилар. Масофадан ўқитиш ўқув материалини хатлар, топшириклар ёки аудиовизуал воситалар орқали мустақил ўрганишдир.

Масофадан ўқитиш ўзига хос қатор афзалликларга эга бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Сабоқ олаётганлар анъанавий ўқишга ўхшаб маъруза, семинар дарсларга муентазам қатнашмайдилар. Улар ўрганаётган фанини, курсини ўзлаштириши учун, мутахассислик бўйича зарур билимларни олишга қанча вақт зарур бўлса, шунча ўқиди.

2. Ўқиши жараёнини ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда, касбий фаолият билан биргалиқда олиб бориш мумкин.

3. Республикализнинг энг чекка ҳудудларида яшаётганлар ҳам юртимиз ва чет эллик энг таниқли профессорўқитувчи олимлардан сабоқ олиш, жаҳоннинг машҳур кутубхоналари фондидаги ноёб асарлар билан танишиш имконига эга бўладилар. Ундан ташқари ўқитиш ҳар икки томон учун қулай вақтда, суръатда, келишилган ҳолда олиб борилиши мумкин.

4. Масофадан ўқитиш кенг ёйилган мамлакатлар тажрибаси, ҳисобкитоблари шуни кўрсатадики, анъанавий таълим тизимиға қараганда бу 1050 фоиз арzonга тушади. Харажатларни пасайтиришга ўқув хоналари, техник воситалардан самарали фойдаланиш, ўқув материалларини концентрацияси ва унификацияси орқали эришилади. Шубҳасиз, ана шу афзалликларни ҳисобга олган ҳолда республикамизда ҳам кейинги пайтларда масофадан ўқитишни ёълга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Лекин масофадан ўқитишни республикамиз миқёсида жорий этиш биз хоҳлаганимиздек тезда амалга оширилиши қийин. Сабаби, қатор муаммолар мавжудки, уларни эчмай туриб, қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди. Энг аввало, масофадан ўқитишни ташкил этиш учун мувофиқ равишда инфратузилмани яратишни талаб қиласди. Зарур миқдорда дастурлар билан компютерларга эга бўлиб, уларни умумий тармоққа улашни ташкил этиш керак. Масофадан ўқитиш янги информацион технология, компьютер, аудио, видеотехника, телекоммуникация воситалари тизимини талаб қиласди, уни шакллантириб, хизмат кўрсатишни ёълга қўйиш лозим.

Виртуал ахборотдан фойдаланмоқчи бўлганлар учун кутубхона фонdlари компакт дисклар, мувофиқ равишда каталоглар билан таъминлаш, уларни умумий тармоққа бирлаштириш зарур. Ўқув адабиётларининг электрон вариантларини комплекс тарзда тайёрланишига аҳамият бериш зарур. Фанлар, курслар бўйича таълим мазмунни давлат таълим стандартлари талабларига мос ўқув комплексларини яратиш лозим. Бу ҳолда дарсликдар, қўлланмалар ўрганилаётган фан бўйича масала, машқ, тестлар, глоссарий, ўзўзини текшириш учун саволжавоблар, кўргазмали қуроллар ҳозирланиши, ўқув методик тўпламларнинг электрон вариантлари яратилишига аҳамият бериш зарур.

Махсус фанларни ўрганиш анча мураккаб бўлиб, ўрганувчидан кучли ирода ва сабртоқат, тинимсиз изланишни, ўз устида ишлашни талаб қиласди.

Маълумотлар, далиллар ўзгариши қандай натижага олиб келиши, улар асосида тўғри хулоса чиқаришни билиш Махсус фанларни нг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Технологик ёъналиш бўйича билим олаётган ёшлиар учун, айниқса, Махсус фанларни , аввало, ишлаб чиқариш назариясини чукур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш назарияси, бошқа Махсус фанларни масофадан ўқитиш учун зарур электрон ўқув дарсликлари, қўлланма, услубий адабиётлар тайёрлаганда буни албатта ҳисобга олиш зарур. Лекин ҳали ана шу талабларга жавоб берадиган ўқув, услубий адабиётлар яратилганича ёъқ. Уларни яратиш маشاқкатли меҳнатни, вақтни талаб қиласди.

Бундан ташқари, масофадан ўқитиш ўқишини хоҳлаганлардан ўз устида тинимсиз ишлаш, ўз вақтини тўғри ташкил этиш, маълум даражада бошланғич билим ва кўнижмага эга бўлишни алаб қиласди. Бунга, албатта, катта миқдордаги маблағ, вақт, меҳнат зарур.

Қўйилган мақсадни қисқа муддатда амалга ошириш учун эса, талabalарга дастлабки билим берувчи, ўқув адабиётлари комплексини

тайёрловчи профессор ўқитувчилардан бошлаб, масофадан ўқитишни ташкил қилишга масъул юқори бошқарув бўғинлари вакилларигача ўз ишларига масъулият билан ёндашишлари талаб қилинади. Бу эрда яна бир нарсани унутмаслик керакки, талаба билан ўқитувчи ўртасидаги жонли мулоқотни ўз ўрни бор, уни ҳеч нарса боса олмайди. Масофадан ўқитиш технологияси кўп микдордаги талабаларга мўлжалланган. Агарда уларнинг сони кам бўлса, сарфхаражатларни ошиб кетишига олиб келади.

Назорат саволлари:

1. Махсус фанларни ўрганишда турли методларни қўллаш зарурлигининг асосий сабаблари нимада деб ўйлайсиз?
2. Ахборот қандай тарзда қабул қилинса, уни эслаб қолиш даражаси энг юқори бўлади?
Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?
3. Ўқув жараёнини ташкил қилишда қандай қийинчиликлар бўлиши мумкин?
4. Турли методларни қўллаб дарс ўтишнинг ижобий томонлари кўплигига қарамай, нима сабабдан ҳали ҳам турли интерактив методларни қўллаш талаб даражасида эмас?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. MarciaJ. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with desabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover
2. S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013Ratha Mohan
3. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic
4. Ш.Мамаражабов, Ж.Халмуратова “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т.2015 й.
5. В.Сатторов, Х.Гатаэв “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Т.2015 й.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс

Кейс вазияти: Сиз ёш педагогсиз ва педагогик тажрибангиз катта эмас.

Ўқитувчилик фаолиятингизни бошлаганингизга б ой бўлди. Сизга маъмурият ёш мутахассис сифатида таълим буриш яъни дарс жараёнига узгаришлар, янгиликла киритишингизни кутмоқда. Сиз “**Модулли ёндашувнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари**” мавзуси юзасидан маъруза дарсини ташкил этишингиз керак. Маъруза дарси очик дарс сифатида режалаштирилганлиги сабабли бир қанча ўқитувчилар дарсингизни кузатиш учун киришларини билдирилар. Дарс учунчи босқич талабалари учун ташкил этилади.

Кейс топшириғи:

“**Модулли ёндашувнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари**” мавзуси юзасидан маъруза дарсида самарали натижага эришиш учун дарсни қандай тошкил этиши лозим?

2-Кейс

Кейс вазияти: Каферда юқори малакали кадрларни тайёрлаш, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган кадрларни тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг учун нафақат назарий ёки амалий билимлар, шу билан бир қаторда мустақил таълимни тўғри ташкил этиш ҳам ўз аҳамиятига эга. Мазкур муаммони эчиш мақсадида ўқтувчи Пирназарова Гулноза Хасановнага “**Таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятни ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси**” мавзусида мустақил таълимни ташкил этишда хориж тажрибасини ўзлаштириш муаммосини ҳал қилиш топширилди.

Ўқитувчи Пирназарова Гулноза Хасановна: “Энди юқ, мавзуга оид тушунчаларига изоҳ беришни ҳоҳламадингларми, эслатма ёзамиз”-деди

Кейс топшириғи:

- Хориж тажрибасинимнг бизнинг ўқитиши технологиямизга мослиги.
- Мустақил таълим учун ажратилган вақт соатларининг фарқлари.
- Мустақил таълимни ташкил этиш шакллари ва шароити.

3-Кейс

Кейс вазияти: Мутахассислик кафедраларида мутахассислик фанларини ўқитишининг замонавий технологияларидан кенг фойдаланиш замон талаби ҳисобланмоқда. Ҳозирги кунда техника ва технологияларнинг шиддат билан ривожланиши мутахассислик фанларини ўқитишда ҳам бир қатор муаммоли вазиятларни келтириб чиқармоқда. Шу мақсадда кафедранинг ёш, чет лада тажрибалар орттириб қайтга Ўқтувчи Абдуллаэв Сарвар Абуллаэвич “**Мутахассислик фанларини ўқитиши технологияси**” фанидан тингловчиларнинг назарий машғулотларни ташкил этиш бўйича муаммони ҳал қилиш вазифаси топширилди.

Ўқтувчи Абдуллаев Сарвар Абуллаевич: “Мутахассислик фанларини ўқитишнинг замонавий технологияларини таҳлил қиласиз”-деди

Кейс топшириғи:

1. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.
2. Бошқа фанларни ўқитиш технологиясидан мутахассислик фанларини ўқитиш технологиясидаги ўзаро боғлиқлик.

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилида изоҳ	Инглиз тилида изоҳ
Модул	мазмуний ва мантиқий якунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирлиқдир	having a logical conclusion to the content and didactic developed, output, input and output control unit, which consists of
Модул дастур	бир фан доирасидаги модул блокларининг йигиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йигиндишидир	A science must achieve a collection of modular units within the didactic aims, methods and tools used in the summary
Ўқув модули	нисбатан мустақил, мантиқий якунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, торшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат	logical conclusion to a relatively independent part of an academic course. Provide the training methodology and practical tasks, such as the current and final control elements of the
Тютер	(лот. <i>tutorēm</i> – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб торишига ёрдамлашишга қаратилган.	activities to adapt to the learning process of the students, aimed to help you find answers to any questions arising
Едвайзер	(адвайор - қадимги франсуз сўзи “ависен”, “ўйламоқ” сўзидан олинган) индивидуал ҳолда дирлом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот олиб бориши, индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир.	The case of an individual without a diploma course development, scientific research, the individual in the process of software development consultant.
Фасилитатор	(ингл. facilitator , лот. фасилис — «енгил, қулай» дэган маёнони билдиради) — фасилитатор грухларда фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади.	Owned by facilitators to organize activities contribute to the organization of activities Owned ko‘maklashadifasilitator

Модератор	(лОт. модерор — меёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради	adopted rules to control the opening of studens' skills, knowledge, help activation
Сурервизор	куйидаги тўрт фазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, экспрерт вазифани бажаради.	The following four roles: as a teacher teaches, facilitators, consultans, expert role
Сурервизия	бу ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, сурервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутади.	This system of mutual relations, and other activities supervised by professional provides specialist advice to give.
Кредит (зачет бирлиги)	бу ўлчов бирлиги бўлиб, талабанинг аудиторияда ва мустақил ўқув фаолиятини, баҳолайди (ўқув юкламасини)	this unit, the studens in the audience, and independent learning activities (the teaching load)
Рейтинг баҳолаш тизими	жорий, модули ва семестр назоратида талабанинг бажарган ўқув фаолиятини ва эгаллаган билимлари ва шаклланган кўникма, малалкаларини баллар кўринишида баҳолаш тизими. Рейтинг баҳоси – бу талаба еришган даражасини сифатини баҳоловчи балл тизими	in the modular control of the semester and the student has fulfilled the training and knowledge of the activities of the assessment system in the form of points and established talent malakkalarini. (Rating) is a points system for assessing the quality of the level of achievement of studens

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк қелажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-хукуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз

- малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
 15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
 16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қарори.
 17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
 18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли Қарори.
 19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.
 20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли Қарори.
 21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. MarciaJ. Scherer “Connecting to learn. Educational and assistive technologies for people with desabilities”, American Psychological Association (APA), USA 2003, 299p Hardcover
2. S.K. Mangal, Uma Mangal, Educational technology, India 2013Ratha Mohan
3. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research, USA-2008 Atlantic

4. Beverly D. Inquiry Based Teacher Education / D. Beverly, D. SHaklee, K. Cushner II.
5. Blan W.E. Handbook for developing Competency-Based Training Programs I
6. W.E. Blank. - New-Jersey: Prentice Hall, 2002.
7. Mokshein, Siti Eshah; Ahmad, Hussein Haji; and Vongalis-Macrow, Athena. Secondary Teacher Policy Research in Asia: Towards providing quality secondary education: Training and retaining quality teachers in Malaysia. Bangkok: UNESCO Bangkok, 2009.
8. Butler, John, Kieran Corcoran, Tomasz Kubikowski, and Truus Ophuysen, eds. Tapping into the Potential of Higher Ars Education in Europe, InterArtes Handbook. Amsterdam / Warsaw: European League of Institutes of the Ars (ELIA), 2008.
9. Commission of the European Communities. “Delivering on the Modernisation Agenda for Universities: Education, Research, and Innovation.” Communication from the Commission, COM (2006) 208 final, 16. Brussels: European Union, 2006.
10. SH.Mamarajabov, J.Xalmuratova “Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat” T.2015 y.
11. V.Sattorov, X.Gataev “Maxsus fanlarni ýqitish metodikasi” T.2015 y.

IV. Internet saytlar

1. www.expertiza.uz
2. www.uster.com,
3. www.trutzschler.com
4. www.titli.uz